O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№ 53-54 (606-607)
2022 йил 26 июль,
сешанба
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Таваллуд топган куним муносабати билан чин юракдан ўзларининг самимий табрик ва қутловларини йўллаб, эзгу тилакларини билдирган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, чет эллик сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, ишбилармон доиралар вакилларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Кўп миллатли халқимиз ва давлатимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси бўлган ушбу табрик ва тилаклар мен учун ғоят қадрли бўлиб, уларни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг кўламли демократик ислоҳотларимиз ҳамда мамлакатимизнинг дунё миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузининг яна бир эътирофи сифатида қабул қиламан.

Мана шу қувончли айёмда “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил асосида Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда ҳал қилувчи куч бўлган меҳнаткаш ва бағрикенг, кўп миллатли халқимизга ўзимнинг юксак фарзандлик меҳрим ва эҳтиромимни билдиришдан беҳад мамнунман.

Ишончим комилки, эл-юртимизнинг куч-ғайрати ва бунёдкорлик салоҳияти билан қонун ва адолат барча соҳаларда устувор бўладиган халқпарвар давлат ва жамият қуриш бўйича ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга албатта етамиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида “**Ижтимоий ҳимоя ягона реестри**” ахборот тизими жорий қилинди;

кам таъминланган **нафақа олувчи оилалар сони** охирги уч йилда **тўрт бароборга ошиб**, 1,9 миллионга етди;

кам таъминланган оилалардаги болаларни парваришлаш учун тўланадиган **нафақа қамрови кенгайиб, нафақа тайинлашда инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди**, мазкур тўлов **муддати 6 ойдан 12 ойгача** ҳамда нафақа **миқдори** ўртача **1,5 бароборга оширилди**;

ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари **3,2 бараварга оширилди**, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган **20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.**

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган **барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш**;

мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, **ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш**, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, **эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш**;

ногиронликни белгилашнинг **ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш** ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;

аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва **реабилитация воситалари билан таъминлаш**;

ижтимоий хизматларни аҳолига **бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини** жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш мақсадида, **2024 йилдан бошлаб “Йўл хариталари”** ҳар **икки йилда** Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ижтимоий суғурта жамғармаси** ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ижтимоий суғурта жамғармаси фаолиятини молиялаштириш манбалари бўлиб **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари** ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

4. Белгилансинки, Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан:

а) **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб давлат ижтимоий суғуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланади.

Бунда, ходимнинг иш стажида 1 ойгача бўлган танаффуслар мавжуд бўлса ушбу **танаффуслардан олдинги ва кейинги ойлар кетма-кет иш стажини ҳисоблашда қўлланилади;**

б) келгусида **давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар** “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали босқичма-босқич тўланади.

5. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С. Турдиев), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З. Махкамова) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

**2023 йил 1 мартга** қадар давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган **минимал ижтимоий хизматлар рўйхатини шакллантирсин** ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2023 йил 1 июлга** қадар давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал **ижтимоий хизматларни кўрсатиш стандартларини тасдиқласин**.

6. Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиши муносабати билан:

**2022 йил 1 сентябрдан** Молия вазирлиги ҳузуридаги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси тугатилиши ҳисобига 3 та штат бирлигидан иборат **Ижтимоий суғурта жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш бўлими**;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро аппарати штат бирликлари ҳисобидан 2 та штат бирлигидан иборат **Ижтимоий тўловларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали амалга ошириш шўъбаси**;

**2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармалари ҳузурида, уларнинг умумий штат бирликлари доирасида **2 та штат** бирлигидан иборат **Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағларини бошқариш ва Ижтимоий суғурта нафақалари тўловларини мониторинг қилиш бўлим**лари ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу фармоннинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг кўламда ёритиб борилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т. А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 июль

# СЎХДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ







**Одамзод табиати қизиқ. Кўз ўнгимизда улкан ишлар, янгиланишлар юз беради-ю, баъзида англамаймиз. Аслида, бугунги ҳар бир кунимиз юксалишга бой воқелик сифатида тарихга муҳрланяпти, зарварақлардан жой олмоқда. Асосийси, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида янги тарих яратилмоқда. Энг чекка Сўх туманида ҳам буни яққол кўриш мумкин.**

Она Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерида халқимиз меҳри, қалб ҳарорати бор. Фарғона вилоятининг Сўх туманига кириб бораркансиз, ўзгача тароватдан дилингиз яйрайди. Чегара постида ҳилпираётган давлат байроғи эса янада фахр-ифтихор бағишлайди. Файзли кўчалар, ободликка юз тутаётган манзилларга ҳавас билан боқасиз. Кейинги йиллардаги бунёдкорлик ишлари натижасида сўхликларнинг дунёқараши ўзгарди, турмуш даражаси яхшиланди, ижтимоий-иқтисодий муаммолари ўз ечимини топмоқда.

Мақсад аниқ бўлса, манзил бир қадам, деган гап бежиз эмас. Бугунги кунда ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳолини ҳаётдан рози қилишдир. Сўнгги беш йилда Сўхга қарийб бир триллион, жумладан, 2021-2022 йилларда 500 миллиард сўм ажратилди. Замонавий уй-жойлар, шифохона, мактаблар қурилди, янги йўллар очилди. Биргина “Қайроқ” сув насос станциясига 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Энди адирлардаги минг гектардан ортиқ ер суғориладиган экин майдонига айланди. “Жавпая” массивининг ўзлаштирилаётгани эса минглаб оилаларга даромад келтириб, камбағалликни қисқартиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, сўхлик тадбиркорларга берилган солиқ имтиёзларининг ўзи бир йилда 19 миллиард сўмни ташкил этди. Бу маблағ туманда тадбиркорлик ва ишбилармонликка имкониятлар эшигини очиб берди, дейиш мумкин. Тинч-осойишта, фаровон ҳаёт шукуҳи, обод этилаётган кўҳна обидалар, зиёратгоҳлар, қадрдон қишлоқлар қиёфасини ўзгартириб юбораётган таълим ва тиббиёт объектлари, спорт комплекслари, маданий-маърифий иншоотлар тумандаги ҳар бир оила, инсон қалбида яшаш завқини, эртанги кун истиқболига бўлган ишончни юксалтирмоқда.

Бундай эзгу ташаббуслар барча-барчани муштарак мақсадлар йўлида жипслаштиргани, аҳил-иноқликда меҳнат қилишга ундаётгани қувонарлидир. Меҳнатдан чин маънода роҳат топаётганлар, ҳаётидан розилик ила очиқ чеҳра билан олға интилаётган юртдошларни кўрганда кўнгилда ғурур, ифтихор пайдо бўлади.

Яқинда фойдаланишга топширилган замонавий “Сўх” болалар оромгоҳини сўхликлар эртак, деб билarди. Бугун эса эртаклар ҳақиқатга айланди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан қисқа муддат ичида азим тоғлар оралиғидаги 5 гектар майдонда давлат бюджетидан ажратилган салкам 28 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига бунёд этилган 200 ўринли кўркам ва замонавий иншоот ақлни шошириши табиий, албатта.

“Бир кунгина дунёни болаларга берайлик”, деб ёзганди турк шоири Нозим Ҳикмат. Бу оромгоҳда эса отаётган ҳар бир тонг болаларники. Тинчлик қўшиқларини куйлаб, ерда Ер шарини ўйнаб, йўлида учраган тўғонларни ёриб, ёниб яшашни бошлашди улар.

Оромгоҳ айвонларида басма-бас янграган шиорлар эса кун келиб ҳақиқатга айлангай:

“Аъло хони кори мо, Пешрови шиори мо”.

“Биз буюк мақсад билан йўлга чиққан ўғил-қиз, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкори бўламиз!”

4-бет

# Қурилиш соҳаси тадбиркорларининг муаммолари батафсил ўрганилди

**Назокат УСМОНОВА,**
ЎзА мухбири.

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда қурилиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг муаммолари, уларни бартараф этиш, ечимлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатида қурилиш соҳаси тадбиркорлари билан бирга тегишли вазирлик ва идоралар, божхона, солиқ, ҳуқуқ, транспорт-логистика соҳаси вакиллари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш ишлари мисли кўрилмаган тарзда жадал тус олганини таъкидлади. Бу жараёнга ҳамоҳанг тарзда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам шиддат билан ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда янгидан-янги ижтимоий объектлар, турар жой мажмуалари, мактаблар, замонавий йўллар, ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий савдо-маиший шохобчалари бунёд этилмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, ушбу жабҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам муайян муаммолар билан рўбарў келмоқда. Соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар қонунчиликдаги айрим ўз такомилига етмаган жиҳатлар, турли идораларнинг фаолияти билан ҳам боғлиқ, десак янглишмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) ўринбосари Жамшид Урунов, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов кейинги йилларда тадбиркорлар томонидан билдирилаётган таклиф ва фикрлар, ўртага ташланаётган долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратиш тобора кучайганини таъкидлади. Негаки, реал вазият ва воқеликни айнан тадбиркорлардан кўра пухта биладиганларнинг ўзи йўқ. Табиийки, муаммолар ҳам турлича бўлади. Уларни тўғри тақдим эта билиш, чуқур ва оқилона таҳлил этиш ва ечим топа олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

– Компаниямиз 2007 йилда иш бошлаган, – деди Улуғбек Жабборов. – Турар ва нотурар жой бинолар қурилиши билан шуғулланамиз. Ҳозирда турар жой хариди, айниқса, субсидия асосида уй-жой сотиб олиш билан боғлиқ жараёнларда бюрократик босқичлар ва тўсқинликлар мавжудлиги қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айни пайтда мазкур соҳага оид миллий қонунчиликлар, янгиликлардан баъзи ташкилотларнинг ўзи ҳам қайсидир даражада бехабарлигини яна қандай изоҳлаш мумкин?! Биз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланамиз. Бугунги кунда қурилиш материаллари сифатига бўлган эътирозлар ҳам йўқ эмас. Бу уларнинг сифати ва стандартларга мос келиши билан боғлиқдир. Бундай мулоқотлар муаммоларни борича ўртага ташлаш ва уларнинг ечимига биргаликда эътибор қаратиш имконини бераётгани билан аҳамиятли бўлмоқда.

Мулоқот давомида қурилиш соҳасида кўплаб тадбиркорлик субъектларини ўйлантираётган, улар дуч келаётган масалалар ўртага ташланди. Бу борадаги таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Бир ҳудудда 25 та меҳмон уйи иш бошлади



**Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида 25 та оилавий меҳмон уйини ташкил этган тадбиркорларга сертификатлар топширилди. Таъкидлаш жоизки, Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилган тарғибот ва тушунтириш ишлари бугун мана шундай натижаларга эришишга замин яратяпти.**

Мазкур меҳмон уйлари туманнинг "Оқтош", "Ҳожикент", "Новобод", "Чимён", "Юсуфхона", "Сижжак", "Дадабоев", "Товоқсой" ва "Писком" МФЙларида ўз фаолиятини бошлади. Қувонарлиси, ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 30 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

– Тадбиркорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжуд, ҳатто пулсиз ҳам иш бошлаш мумкин, – дейди меҳмон уйи эгаси, тадбиркор Алфия Темирбаева. – Ҳудуднинг сўлим табиати, кишига ёқувчи ҳавоси барчани йил бўйи чорлайди. Бу ерга келиб ҳордиқ чиқариш ниятидагилар кўп, фақат уларга зарур шароит яратсак бўлгани, қиладиган ишларимиз орқали даромадимиз ҳам ошади.

– Ҳозирги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган туман аҳолиси ўз ўзини банд қилиш борасида бошқаларга ўрнак бўляпти, – деди вилоят Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси Тадбиркорлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Шербек Жиянов ЎзА мухбири Абдулазиз Мусаевга. – Оилавий меҳмон уйларини ташкил этиш орқали туристларга доимий хизмат кўрсатиш қамрови ошяпти. Бу соҳада янги иш бошлаганларга мувофиқлик сертификатини топширяпмиз. Улар ҳам хурсанд. Сайёҳлар мароқли дам олишдан, иш тополмай юрганлар ишли бўлишдан манфаатдор.

Келгусида Тошкент вилоятида бундан ҳам яхшироқ хизмат кўрсатиш ва кўплаб меҳмон уйлари сайёҳларни қабул қилиш учун ҳозирланмоқда.

# Buvaydada "Ansor" savdo majmuasi qad rostladi

**Sohibjon HOTAMOV,**
journalist.

**Ulug'vorlik, zamonaviylik va milliylik. Bu Buvayda tumanida yangi bunyod etilgan "Ansor" savdo majmuasiga mos ta'riflar. Buvayda tumani markazi bo'ylab borar ekansiz, yo'l yuzida qad ko'targan bu salobatli binodan ko'zingiz qamashadi.**







Ushbu majmua chekka va olis hududlarda ham katta shaharlardan aslo kam bo'lmagan infratuzilmalar shakllantirilayotganining hayotiy ifodasidir. Qolaversa, xalqning turmush sharoiti yashilanishining namunasi hamdir.

Sobiq Milliy bankning eski binosi o'rnida bir yil-u sakkiz oyda qurib bitkazilgan uch qavatdan iborat ushbu majmuaning birinchi qavatida savdo markazi, milliy taomlar, IT markazi, dorixona joylashgan. Ikkinchi qavatda 20 dan ortiq savdo do'konlari, ayollar go'zallik markazi, foto hudud, uchinchi qavatida esa bolalar o'yingohlari, maydonchasi, zamonaviy attraktsionlar va umumiy ovqatlanish tarmog'i joylashgan.

Savdo majmuasi tadbirkor Asrorjon Haydarov tashabbusi bilan bunyod etilgan bo'lib, loyiha qiymati qariyb 40 milliard so'mni tashkil etadi. Majmuada mijozlarga qulaylik yaratish maqsadida onalar va bolalar xonasi, zamonaviy isitish va sovutish tizimi, yuqori qavatlarga chiqish uchun ekskalator o'rnatilgan. Hozirda bu yerda 150 dan ortiq yigit-qiz ish bilan ta'minlangan. Yaqin vaqt ichida bu raqamlar 500 dan ortishi rejalashtirilmoqda.

"Obod qishloq" va "Obod mahalla" dasturlari asosida qurilayotgan, ta'mirlanayotgan guzar va qishloqlar, yangi madaniyat va istirohat bog'lariga hamohang tarzda qad ko'tarib turgan ushbu savdo va dam olish maskani nafaqat Buvaydada, balki yurtimizda amalga oshirilayotgan bunyodkorlik ishlarining yaqqol namunasidir.

# МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Янги мактаб бинолари қурилиб, таъмирталаб бинолар таъмирдан чиқарилмоқда. Мазкур ишлар Тошкент вилоятида ҳам изчил амалга ошириляпти. 2022 йилда вилоятда барча дастурлар ҳисобидан 319,6 млрд сўм маблағ эвазига 75 та умумтаълим мактаби ва 17 та филиалда янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.**



Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи вилоят ҳокими ҳамроҳлигида вилоятнинг Паркент ҳамда Янгийўл туманларидаги умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ва янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари билан танишдилар.

Хусусан, Паркент туманида жойлашган 26, 38-сонли мактабларда ҳам янги ўқув йили олдидан қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ўрганиш давомида масъулларга зарур кўрсатмалар берилди. Энг муҳими, ушбу мактаблар биноси 15 августга қадар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тайёр бўлиши таъкидланди.

Туманнинг Номданак қишлоғида қурилаётган 540 ўринли янги мактаб биносида ҳам қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Вилоят ҳокими ва бошқарма бошлиғи мазкур объектга масъул раҳбарлар ва қурувчилар билан гаплашиб, бинонинг фойдаланишга топшириш масалалари юзасидан гаплашиб олишди.

Шунингдек, Янгийўл туманидаги 15- ва 5-сонли умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам ўрганилди. 625 ўринли 15-сонли умумтаълим мактаби шароити оғир таълим муассасалари рўйхатига киритилган эди. Жорий йилда мазкур мактаб тўлалигича янгиланиб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Ўрганиш давомида вилоят ҳокими томонидан қурилиш-таъмирлаш ишларини онлайн мониторинг қилиб бориш, яъни шаффофликни татбиқ этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш лозимлиги ва қурилиш давомида йўл қўйилган камчиликлар, "мендан кетгунча, эгасига етгунча..." қабилидаги ишлар тўлиқ бартараф этилмагунга қадар объектларни қабул қилмаслик, йўл қўйган хатолари учун пудратчи шахсан жавобгар ҳисобланиши, биноларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, электр энергияси, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйиш борасида қўшимча топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, бошқарма бошлиғи Азамат Камалов томонидан 5-сонли умумтаълим мактабидаги ёнғин хавфсизлиги бурчаги белгиланган талаб ва қоидаларга мос келмаслиги, мазкур бурчакни муҳандислик асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда жиҳозлаш юзасидан топшириқ берилди. Ўрганиш жараёнларида ҳар икки туман ҳокимлари ва масъул идоралар раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси Ахборот хизматининг маълумотига кўра, бу каби ўрганиш ишлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида тизимли равишда олиб борилиб, тизимдаги таъмирланаётган ва қуриб битказилаётган мавжуд иншоотларнинг белгиланган муддатда ўз вақтида сифатли қилиб топширилишини таъминлайди.

# Ўз вақтида ҳал этилган мурожаат – кўплаб муаммоларнинг олдини олади

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва тизимдаги ташкилотларга жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3 737 та мурожаат келиб тушган. Шундан, 2 673 та мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган.**

Уларнинг:

2 190 таси қаноатлантирилган;

1 376 таси ижобий ечим топган;

804 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилган;

199 тасига умумий тушунтириш берилган;

173 таси кўриш жараёнида;

2 та мурожаат рад этилган;

1 таси кўрмасдан қолдирилган;

5 таси маълумот учун қабул қилинган;

44 та мурожаат натижаси киритилган бўлиб, назоратчи ташкилот томонидан ўрганилмоқда.

Ҳудудлар ва ташкилотлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп мурожаатлар Тошкент вилоятига тегишли. Шунингдек, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ҳам мурожаатлар сони нисбатан кўп. Вазирлик "Ijro-gov.uz" сайти орқали рўйхатга олинган мурожаатларнинг умумий сони 913 тани ташкил этади.

Шундан:

296 таси ўз ижобий ечимини топган;

491 та мурожаат юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилган;

3 та мурожаат рад этилган;

80 таси кўриш жараёнида.

Соҳалар бўйича таҳлил қилинганда:

ичимлик ва оқова сув тизими масалаларига оид – 92 та;

уй-жой мулкдорлари ширкатлари масалаларига оид – 417 та;

иссиқлик таъминоти масалаларига оид – 81 та;

молиявий ва кадрлар масалаларига оид – 15 та;

раҳбарият (ходим)нинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида – 24 та;

соҳага тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича сўровлар – 14 та;

коммунал тўловлар тўғрисида – 32 та;

соҳа тизимини яхшилаш юзасидан таклифлар – 27 та;

турли хил бошқа масалалар – 211 тани ташкил этади.

Маълумот учун: юртимизда 2021 йил 1 июль ҳолатига кўп квартирали уйлар сони 38 373 та бўлса, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан улар сони 1 310 тага кўпайган ва 39 683 тани ташкил этмоқда.

Шунингдек, Уй-жой фонди инспекциясига жорий йилнинг I ярим йиллиги ҳисобот даврида 2 600 га яқин мурожаат келиб тушган. Улардан 1 792 таси расмий, 700 дан ортиғи ижтимоий тармоқлар ва 100 га яқини "Халқ назорати" тизимига тегишли.

1 792 та расмий мурожаатнинг 1 248 таси қаноатлантирилган, 8 таси қаноатлантирилмасдан қолдирилган (такрорийлиги сабабли рад этилган), 394 таси бўйича мурожаатчиларга тегишли тушунтиришлар берилган бўлса, 19 таси тааллуқлилиги бўйича бошқа мутасадди идораларга юборилган. Мурожаатларнинг 123 таси бугунги кунда Уй-жой фонди инспекциясининг иш юритувида бўлиб, айни пайтда ўрганиш жараёнида.

Шундан:

201 таси уй-жой ва унга туташ ҳудудларни сақлаш қоидалари бузилгани;

58 таси уй-жой фонди ва унга туташ ҳудудлардан фойдаланиш қоидалари бузилгани;

509 таси кўчмас мулк эгаларининг биноларини ўзбошимчалик билан ўзгартиргани;

50 таси нотурар жойларнинг техник ҳолати бузилгани;

17 таси уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнларидаги камчиликлар;

68 таси умумий фойдаланадиган жойларда таъмирлаш-тиклаш ишлари тизимли олиб борилмаган;

36 таси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг фаолиятидан норози экани;

227 таси уй-жой фондларида кўчмас мулк эгаларининг мажбурий бадаллари мақсадсиз сарфланаётгани ҳамда мажбурий бадал миқдоридан норози экани;

498 таси кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг фаолиятидаги бошқа қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликлар юзасидан норози экани;

120 таси турли масалаларга оид бошқа мурожаатларни ташкил этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали 410 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 56,8 фоизи Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси томонидан кўриб чиқилган. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан жорий қилинган "Халқ назорати" тизими орқали пойтахтимиз аҳолисидан 100 тага яқин мурожаат келиб тушган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш самарадорлигини ошириш мақсадида таҳлилий маълумотлар муҳокамасига асосан йўлга қўйилган камчиликлар учун Уй-жой фонди инспекциясининг 3 та ходимига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

# Меҳмонхоналар кўпаймоқда

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқанднинг туристик салоҳиятини оширишда зиёратчиларга қулай шарт-шароит яратиш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда ушбу муаммони ечиш бўйича катта ишлар қилиняпти. Жумладан, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, хостеллар қуриш, улардаги ўринлар сонини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилган.**

Шу кунларда жадал суръатда қад ростлаётган Самарқанд туристик марказида саккизта бир-биридан ҳашаматли, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган меҳмонхона, ҳадис илми султони имом Исмоил ал-Бухорий мажмуаси атрофида ўнга яқин миллий услубдаги карвонсаройлар қурилаётгани эътиборга моликдир. Бундан ташқари, шаҳардаги "Афросиёб палас", "Регистон палас", "Зарафшон" каби йирик меҳмонхоналар қайта мукаммал таъмирланиб, сайёҳлар дидига мос безатилаётир.

– Самарқанднинг дастлабки интуристи – "Зарафшон" меҳмонхонаси 1959 йилда фойдаланишга топширилган, – деди "Ал-Муйин" МЧЖ раҳбари Комилжон Сатторов. –Ўтган вақтда минглаб туристларнинг ҳожатини чиқарган муҳташам бино кейинги пайтда реконструкцияга муҳтож бўлиб қолган эди. 2019 йилда ушбу объектда хайрли юмушни бошлаб юбордик. "Самарқанд миноралари" МЧЖ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича "Умиджон элита" жамияти ишчи-хизматчилари уни сифатли таъмирлаш билан бирга, 60 ўринли қўшимча бинони тиклашяпти. "Ипотека-банк"нинг кредит маблағи ёрдамида ҳозир барча жараёнлар ниҳоясига етказилмоқда. Пудрат ишларида жамоага Туркиянинг "Винса" компанияси амалий ёрдам кўрсатаётганини таъкидлаш ўринлидир.Чунки бу ташкилот кўҳна меҳмонхоналарни таъмирлашда анчагина тажриба орттирган. Бинобарин объект ЮНЕСКОнинг маданий меросига киритилган ноёб иншоотлардан ҳисобланади.

# СИФАТСИЗ ИШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

**Жамшид СУЛАЙМОНОВ,**
Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи.

**Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарори билан тасдиқланган "Обод қишлоқ" ва Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Бухоро вилоятининг 22 та қишлоқ ва 4 та маҳаллаларида, 82 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган.**



"Обод қишлоқ" дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган Олот туманидаги "Буржоқ" МФЙ ҳудудидаги 15-сонли умумтаълим мактабининг 260 ўринли ўқув биноси мукаммал таъмирланиб, қўшимча 120 ўринли янги ўқув биноси қурилиши объектида Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан навбатдаги сифат назорати ўтказилди ва айрим камчиликлар аниқланди. Жумладан, "Файзбек Ўғилой" МЧЖ пудрат корхонаси янгидан қурилаётган 120 ўринли ўқув биносининг "2"- ўқ бўйлаб "В-Г" ўқлари оралиғида ғишт териш ишлари ишлаб чиқариш технологияси ва лойиҳа ечимларидан четланган ҳолда бажарилган. Девор мустаҳкамлигини таъминловчи СГ-1 армосеткалари лойиҳада кўрсатилган талабдан фарқ қилади. ШНҚ 2.01.03-19 "Сейсмик ҳудудларда қурилиш" меъёрий ҳужжат талабларига кўра, ғишт теришда вертикал ва горизонтал чоклар қоришма билан тўлдирилишига риоя қилинмаган.

Бундан ташқари, лойиҳа талаби бўйича 5 қатор диаметри 5 мм бўлган Вр-1 СГ горизонтал армосеткалар ўрнига, диаметри 3мм. бўлган 3 қаторли Вр-1 армосеткалардан фойдаланилган. Шунингдек, вилоятнинг қуруқ об-ҳаво шароитида ҳаво ҳарорати 25 градусдан ошганда ғиштни 1 дақиқа сувда тўйинтириб сўнгра терилмаган. Натижада, қоришманинг сув сақлаш қобилияти пасайган, қоришманинг ғишт билан ёпишиб боғланиш мустаҳкамлиги пасайган. "В-Г" ўқ оралиғидаги темир-бетон ўзакнинг ишчи арматуралари хамутлар ёрдамида боғланмаган. Қайд қилинган камчиликлар сабабли терилган ғиштин девор сифатсиз деб баҳоланди ва буздириб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғриси"даги 321-қарори билан белгиланган буюртмачи хизматининг техник назорати ҳамда лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорат ишлари тўлиқ амалга оширилмагани сабабли пудрат ташкилотлари томонидан камчиликларга йўл қўйилмоқда. Назорат тадбирлари давомида, Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспекторлари томонидан ижро ҳужжатларини юритилиши, ШНҚ 3.01.02-00 "Қурилишда хавфсизлик техникаси" меъёрий ҳужжатининг 1.12-1.13-1.15-1.16 бандлари талаби асосида қурувчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш, қурилишни янги сифат босқичига олиб чиқиш, қурилиш маданияти ва этикасига риоя қилиш бўйича тушунтиришлар берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
**31 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# ИСЛОҲОТЛАР ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ҲАМ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига, халқимизнинг бугунги кунидан рози бўлиб, ҳар жиҳатдан қулай шароитда турмуш кечиришига қаратилган. Ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг нафақат марказларда, балки чекка ҳудудларда ҳам ўз вақтида амалга оширилиши одамлар кайфиятини, ислоҳотларга ишончини белгилайди.**









Бугунги кунда аҳоли ўртасида ижтимоий соҳа объектларига бўлган талаб юқори. Йиллар давомида чекка ҳудудларда таълим-тарбия, тиббий хизматга етарли даражада эътибор қаратилмаслиги ушбу соҳаларда ишнинг издан чиқишига олиб келди.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида бирламчи тиббий хизматни ривожлантириш, таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада чекка ҳудудларда ҳам замон талабларига мос тиббий муассасалар, мактабгача таълим муассасалари барпо этилмоқда.

Нуробод туманида ҳам айни йўналишдаги ўсиш-ўзгаришлар кўзга ташланиб, жойларда қатор янги ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари қад ростламоқда. Туманнинг табиий иқлим шароити бироз оғирроқ бўлса-да, яратилаётган имкониятлар туфайли аҳоли эртанги кунга юксак ишонч билан ҳудуд ободлиги, тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшиш ҳаракатида. Буни олиб борилаётган ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига маҳаллий тадбиркорларнинг бош бўлаётганида кўриш мумкин.

Сазағон ҳудудидан туман марказигача бўлган масофа 60 километрдан ортиқ. Бундай масофада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги муаммолар бўлиши табиий. Шунинг учун Нуробод туман тиббиёт бирлашмасининг Сазағон ҳудудий бўлими ташкил қилиниб, ушбу ҳудуднинг ўзида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўсатиш йўлга қўйилган. Ҳудудий бўлим 1959 йилда ташкил қилинган бўлиб, бу ердаги мавжуд шароит бугунги кун талабига мутлақо тўғри келмай қолган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонаси раҳбари ташаббуси билан вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан ҳудудий бўлим учун енгил конструкцияли янги бино барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

– Ҳудудий бўлимимиз Тепақул, Сарой ва Сазағон маҳаллаларидаги 11 минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиши белгиланган, – деди Нуробод тиббиёт бирлашмаси Сазағон ҳудудий бўлими мудири Абдужаббор Умаров. – Ҳудудга яқин бўлган маҳаллалар ҳам туман марказигача масофа олислигини ҳисобга олиб бизга мурожаат қилишади. Лекин шу пайтгача уларнинг талабига мос тиббий хизмат кўрсатиш имкониятимиз чекланган эди. Эндиликда янги бинода амбулатор шароитда беморларга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Бунда жами 15 ўрин, яъни туғруқ бўлимида 5 та, болалар бўлимида 5 та ва катталар терапия бўлимида 5 та ўрин мавжуд. Эски биномиздан кундузги стационар сифатида фойдаланяпмиз.

Тиббий хизмат сифатини ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида Жом маҳалласи чекка ҳудудидаги тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли ҳам замонавий шароитларда бирламчи тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ушбу маҳалла республикамизнинг аҳоли сони энг кўп бўлган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Жомда ҳозирда 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалланинг чекка ҳудудида яшовчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида "Ором" оилавий шифокорлик пунктининг "Дукур" филиали ташкил қилинган. Ушбу филиал 1992 йилда қурилган бўлиб, ҳудуддаги 4050 нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиши белгиланган. Сўнгги йилларга келиб филиал харобага айланиб, аҳоли узоқ масофа босиб "Ором" оилавий шифокорлик пунктига қатнашга мажбур бўлаётган эди. Маҳаллий ҳомийлар ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида 200 миллион сўм маблағ сарфланиб, филиалда қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, кўркам қиёфага келтирилди.

– Ёшим 65 да, 10-15 километр масофага бориб келиш қийнаб қўярди, – деди ҳудудда истиқомат қилувчи Улбўсин Раҳмонова. – "Ором" оилавий шифокорлик пунктининг "Дукур" филиалини қайта таъмирлаб, етарли шароит яратиб берганларнинг барчасига мингдан-минг раҳмат. Чекка ҳудуддаги аҳоли саломатлигини ўйлаб қилинган ишлар хайрли бўлсин.

Туман ҳокимлиги маълумотларига кўра, айни пайтгача туманнинг олис ҳудудлардаги аҳоли яшаш жойларининг жойлашув ўрни тарқоқ эканлигини инобатга олган ҳолда "маҳалла тиббий пунктлари"ни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача туманда енгил конструкциядан ясалган 25 та "маҳалла тиббий пунтки" ташкил қилиниб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Жумладан, туманнинг Омандара маҳалласида ҳам аҳолига қулайлик яратиш, сифатли бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида "маҳалла тиббий пункти" очилди. 131 миллион сўм бюджет маблағи ҳисобидан бунёд этилган маҳалла тиббий пунктида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Энг муҳими, ушбу тиббий муассасаларга олий ўқув юртларини битириб келган ёш мутахассислар жалб этилмоқда.

– Жорий йил Самарқанд давлат тиббиёт университетини битирдим, – деди "Омондара" маҳалласи тиббий пункти умумий амалиёт шифокори Руслан Қувондиқов. – Турмуш ўртоғим ҳам ўзим билан бирга университетни битирди. Мен Пастдарғом туманидан, турмуш ўртоғим Жиззах шаҳридан. Президентимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида иккимиз ҳам чекка ҳудудда фаолият юритишни мақсад қилдик. Биз учун яшаш ва меҳнат шароитлари етарли даражада таъминлаб берилди. Бошлаган ишимиздан мамнунмиз.

Омондара маҳалласидаги ўзгаришлардан аҳоли мамнун. Маҳалла тиббий пункти билан бирга маҳалла фуқаролар йиғини ҳам янги бинода фаолият бошлади. Вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан 168 миллион сўмлик қурилиш ишларидан сўнг, фаоллар зали, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар, ёшлар етакчилари ҳамда маҳалла профилактика инспектори учун қулай иш шароити яратилди.

– Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан сўнг маҳалламиз таниб бўлмас даражада ўзгармоқда, – деди маҳалла фаоли Эштурди Раҳимов ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасанов билан суҳбатда. – Хусусан, 12 километр янги асфальт қопламаси ётқизилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун артезиан қудуғи қазилди. Мавжуд қишлоқ врачлик пункти мукаммал таъмирланди. Бугун маҳалла тиббий пункти, маҳалла биноси фойдаланишга топширилди. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш учун битта ҳудудда қисқа муддатда шунча иш бажарилишининг ўзи катта гап. Давлатимиз раҳбарининг, маҳаллий мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида шундай фаровонликка эришдик. Энди биз ҳам халқимиз билан биргаликда юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш йўлида бор имкониятимизни ишга соламиз, албатта.

Туман ҳокимлиги маълумотларига кўра, айни пайтда туманда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг боғчага қамров даражаси 68 фоиздан 71 фоизга етказилган. Бугунги кунда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг сони 170 дан ортиқни ташкил қилади. Дўстлик маҳалласидаги 20-давлат мактабгача таълим муассасасининг фойдаланишга топширилиши натижасида яна 60 нафар боғча ёшидаги бола мактабгача таълимга қамраб олинди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 331 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилган муассасада маҳалланинг 18 нафар фуқароси ҳам ишли бўлди. Маълум қилинишича, мустақиллигимизнинг 31 йиллик тантаналари арафасида туманда яна 5 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилади.

# Yangi O‘zbekistonni birgalikda quramiz

**Faxriddin ISMOILOV,**
Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi

**So‘nggi yillarda vatanimizda amalga oshirilayotgan muhim ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy islohotlar tufayli xalqimiz farovonligi oshib, xalqning davlatdan roziligi ortmoqda. Necha yillar ichida amalga oshirilgan muhim islohotlardan mamnun ekanligini xalqimiz ruhiyatidan, ularning ko‘zidagi quvonchdan ko‘rishimiz mumkin. Shu asnoda turli sohalarda amalga oshirilayotgan islohotlar tufayli davlatimiz hozirgi kunda Uchinchi Renessansni boshidan kechirmoqda. Shuningdek, davlatimizning xalqaro maydondagi rolini oshirish, aholining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga xizmat qiluvchi muhim islohotlar tufayli endilikda Yangi O‘zbekiston atamasi ham xalqimizning ongidan muhim o‘rin egallayapti. Endilikda o‘zining munosib rivojlanish yo‘liga dadil qadam tashlayotgan Yangi O‘zbekistonimizni yanada yuqori rivojlanish bosqichlariga olib chiqish biz yoshlarning burchimizdir.**

O‘zbekiston haqiqiy ma’noda yoshlar mamlakati. Bu yurtda ulg‘ayayotgan yigit-qizlarning orzulari va o‘z oldiga qo‘ygan maqsadlari bisyor. Yurtboshimizning tashabbusi va qo‘llab-quvvatlashi esa ularga bu maqsadlarni amalga oshirishda ko‘mak beradi. Prezident Shavkat Mirziyoyevning: *"Biz o‘z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug‘ maqsadni qo‘ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug‘beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta’lim va tarbiyani rivojlantirish, sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g‘oyamizning asosiy ustunlari bo‘lib xizmat qilishi lozim"*, degan so‘zlari yoshlar uchun katta marralar sari yo‘l ochdi.

Prezidentimiz tomonidan yaratilgan "Yangi O‘zbekiston strategiyasi" deb nomlangan kitobni o‘qir ekanman, so‘nggi yillarda mamlakatimizning dunyoga har taraflama bosqichma-bosqich dadil yuz tutayotganiga yana bir bor ishonch hosil qildim. Shuni alohida ta’kidlash joizki, Prezidentimiz tomonidan ilgari surilayotgan bir qancha ishlar zamirida xususan, ma’naviy-ma’rifiy sohada amalga oshirilayotgan ishlarda ham avvalo yoshlarning manfaati oliy o‘ringa qo‘yilganligini ko‘rib shu mamlakatning farzandi sifatida faxr hissini tuydim.

O‘tgan yili yurtimizda "Yangi O‘zbekiston – yangicha dunyoqarash" ma’naviy-marifiy tadbirlari o‘tkazildi. Ushbu tadbirlarning asosiy maqsadi yoshlarni madaniyat, san’at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb qilish, ularning axborot texnologiyalaridan foydalanish ko‘nikmalarini shakllantirish, kitobxonlikni targ‘ib qilish, xotin-qizlar bandligini oshirishga qaratilgan edi. Shu sababli bu masalalarni respublikamiz hududlarida amalga oshirishga xizmat qiluvchi 14 ta hududiy targ‘ibot guruhi o‘z faoliyatini boshladi. Yuqorida qayd qilingan targ‘ibot guruhlarining zimmasiga "Yangi O‘zbekiston – yangicha dunyoqarash" mazmun-mohiyatini keng xalq ommasiga yetkazish asosiy maqsad qilib olindi. Shuningdek, targ‘ibot guruhlari joylarga chiqqan holda aholini va asosiysi, yoshlarni yurtimizda va dunyoda bo‘layotgan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatdan xabardor qilishdi.

Yoshlar siyosati bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlarni tahlil eta turib davlat va yoshlarning uzviy bog‘liqligini ko‘rishimiz mumkin. Har bir yo‘nalishda yoshlarning bandligini ta’minlash davom etmoqda. Yigit va qizlarning har tomonlama kamol topishi, bilim olishi uchun zarur sharoitlar yaratilmoqda. Bu esa ularning kelgusida vatan ravnaqiga hissa qo‘shuvchi avlod bo‘lib yetishishida muhim ahamiyatga ega.

Yurtimizda yoshlarning chet elda o‘qib kelib yurtimiz rivojiga o‘z hissasini qo‘shishini ta’minlash va qo‘llab-quvvatlash maqsadida Prezidentimizning qarori asosida "El-yurt umidi" jamg‘armasi tashkil qilindi. Ushbu jamg‘arma orqali ko‘plab tengdoshlarimiz ta’limni chet elda olishmoqda. Talabalar o‘qishni bitirgandan so‘ng yurtimizga kelib, uning ravnaqiga hissa qo‘shishni o‘z oldilariga maqsad qilib olishgan. Yana shuni ham ta’kidlash joizki, "Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida"gi qonun ham mamlakatimizda yoshlarni qo‘llab-quvvatlash uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Davlatimiz rahbari ta’kidlaganidek, so‘nggi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlarga qaramasdan hali hal qilishimiz lozim bo‘lgan muammolarimiz yetarlicha. O‘zim ham oddiy bir talaba sifatida haqiqatdan hal qilinishi lozim bo‘lgan bir qancha muammolarni aytib o‘tishni o‘rinli deb topdim. Xususan, mamlakatimizning aksar oliy ta’lim muassasalarida ta’lim sifatining pastligi, talaba-yoshlarni bir joyda birlashtira oladigan yoshlar yetakchilarining yetishmasligi, ta’lim jarayoniga malakali o‘qituvchi-professorlarnig jalb qilinmaganligi, aksariyat oliy ta’lim muassasalarida talabalarda yotoqxonalarga bo‘lgan ehtiyojning yuqoriligi va bu ehtiyot yarmi ham qoplanmayotganligi, shuningdek, o‘quv dasturlarida soha mutaxassisligiga oid dars soatlarning kamligi kabi bir qancha muammolarni keltirib o‘tishim mumkin.

Mana shu aziz tuproqning bir yosh avlodi sifatida shuni ishonch bilan ayta olamanki, har bir jamiyatda o‘ziga xos muammolar bor. Ammo shuni ta’kidlash kerakki, bu muammolarning asosi xohlaymizmi-yo‘qmi mamlakatning ta’lim tizimiga va unda amalga oshirilayotgan islohotlarga bevosita bog‘liq. Chunki deyarli barcha kasbdagi mutaxassislarimiz asosan mamlakat oliy ta’lim tizimining mevasidir.

Yuqorida bildirib o‘tilgan fikr va takliflar eng avvalo, yoshlarning bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazish, talaba-yoshlar o‘rtasida bilim olishda sog‘lom raqobat muhitini yaratish, iqtidorli yoshlarni har taraflama ommaga tanitish va ularni rag‘batlantirishga yo‘naltirilgan. O‘ylaymizki, Yangi O‘zbekistonimizda o‘sib-ulg‘ayayotgan yoshlar kelajakda xalqimizning, jamiyatimizning haqiqiy yetakchilari, yo‘lboshchilari bo‘lishadi va o‘zlarining bilim-salohiyatlarini davlatimiz taraqqiyoti yo‘lida sarflaydilar.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ:

# ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРЯПТИ

**Президентимиз ташаббуси билан жойларда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари алоҳида тоифаланган аҳоли қатламлари билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Буни "Аёллар дафтари" ёки "Темир дафтар"га киритилган аҳолининг оғирини енгил қилиш, уларни ночор аҳволдан чиқариш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Бухоро вилоятида ҳам мазкур йўналишдаги ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган 7 ойида вилоятда хотин-қизларнинг 9 минг 928 нафарига умумий қиймати 187 миллиард 500 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилган. Айтиш жоизки, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ўрганишлари ва тавсияномаси асосида моддий қўллаб-қувватлашга, кредитга бўлган талаб ошмоқда. Ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, банкнинг имтиёзли кредити билан моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бухорода Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Маҳалла мақомини ошириш, бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш, ночор оилаларни қўллаб-қувватлашда ҳоким ёрдамчиларининг ўрни қандай?" мавзусида ўтказилган пресс-турда шулар ҳақида батафсил маълумот берилди. Журналистлар мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларга бевосита гувоҳ бўлди.

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб Бухоро тумани "Шергирон" маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Маликбек Чориев раҳбарлигида фаолият юритаётган "Selikopit" МЧЖ фаолияти билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган 80 нафар ишчи-мутахассиснинг аксарияти, яъни 70 нафарини шу ҳудуддаги аввал ишсиз ва даромадсиз бўлган хотин-қизлар ташкил этади.

– Олдин бу корхона Работиқалмоқ маҳалласида мослаштирилган шароитдаги кичик цех эди, – дейди "Шергирон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Азизбек Шаропов. — Фаолиятини кенгайтиришга қарор қилган тадбиркорлик субъектига ўрганишларимиздан сўнг шу қишлоқда замонавий кўринишда бунёд қилинганига қарамасдан бўш ётган бинони арзон нархда ижара асосида ажратиб бердик.

– Бугунга келиб асосий ҳамкоримиз Россиянинг "Луна" МЧЖ буюртмаси асосида саёҳатчилар учун пишиқ палатка ва сумкалар тикиб, ойига 100 минг доллар атрофидаги маҳсулот экспорт қилинмоқда, – дейди корхона раҳбари Маликбек Чориев. – Бу дегани, бир ойда ўртача 1 минг дона палатка ва 1 минг 300 дона сумка ишлаб чиқариб, маҳсулотни юз фоиз чет элдаги ҳамкорларга етказмоқдамиз. Келгусида албатта, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳаракатидамиз.

Тадбиркорликда ҳам синчковлик, миришкорлик жуда муҳим. Ромитан туманининг "Қаҳрамон" маҳалла фуқаролар йиғини Истиқлол қишлоғида Акмал Маҳмудов оддий кунгабоқар ҳосили писта ҳамда ерёнғоқни қадоқлаб сотишни йўлга қўйгани орқасидан бутун оиласини ишли ва даромадли қилган.

– Фаолият бошлаганига 8 йил бўлган "Алишер Дилсора" оилавий корхонасида бугунга келиб ўнга яқин киши меҳнат қилмоқда, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Азамат Камолов. – Соатига 150 килограмм маҳсулот, яъни пистани қадоқлаш имконияти яратилган. Тадбиркор ўтган йили шахсий жамғармаси ҳисобидан Туркиянинг "Pamukalle" русумли технологиясини олиб келиб ўрнатди. Иш самарадорлиги шунга ҳамоҳанг янада ошди. Зарур хомашё маҳаллий туманлардан ташқари, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидан сотиб олинмоқда.

Айтиш мумкинки, айни кунда Ромитан тумани марказида қад ростлаётган кўнгилочар дам олиш маскани, гўё эртаклар оламини эслатиб юборувчи "Romitan saylgohi"нинг вилоятда бошқа муқобили мавжуд эмас. Туман марказидан 40 километр узоқликда, чўл бағрида мўъжиза мисоли замонавий андоза асосида қуриб ишга туширилган ва юртимизда довруқ таратаётган OAZIS сўлим оромгоҳидан кейин бу жой яна бир гавжум масканга айланиши шубҳасиз. Унда Франциянинг Париж, Австралиянинг Мельбурн, Буюк Британиянинг Лондон, АҚШнинг Лос-Анджелес каби шаҳарларидаги такрорланмас меъморий ечимга эга мўъжаз қурилмаларнинг ўзига хос "ансамбли" кишига ўзгача завқ бағишлайди.

– Мазкур лойиҳа учун туман маркази Ибн Сино маҳалласидан 31 сотих ер майдони ажратилди, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Талъат Шоев. – Ҳар бир ўзига хос дизайндаги қурилиш иншооти жами 62 нафар ташаббускор тадбиркорга тақсимлаб берилган. Бу ерда 70 та дам олиш, кўнгилочар, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бунёд қилинмоқда. "Узукка кўз қўйган" мисоли туман марказига кўрк бағишлаётган мажмуани ҳадемай, мамлакатимиз Мустақиллиги шодиёнаси кунларида фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик кўряпмиз.

Умумий қиймати 15 миллиард 300 миллион сўмга лойиҳалаштирилган яхлит мажмуа болалар учун турли аттракционлар, бутик, савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини ўз ичига олган бўлиб, бу маскан тадбиркорлик субъектларига 50 йилга ижара асосида расмийлаштириб берилмоқда. Муҳими, фойдаланишга топширилгач, мажмуада 200 дан ортиқ кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Шунингдек, Пешку тумани "Валфажр", Вобкент тумани "Анжирбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчилари Жамшид Холов ҳамда Баҳодир Саломовлар иш фаолияти пресс-тур иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

"Валфажр" маҳалласида оилавий тадбиркор Дилфуза Ҳамдамова тўй-маъракалар учун аёллар кийим–кечагини тикиб тайёрлаш, уларга безак бериш фаолиятини йўлга қўйиши туфайли ўттизга яқин чеварни ўз уйидаги цехда, яна элликка яқин моҳир тикувчини шу атрофдаги Чоробод, Кўчкало, Хўжалар, Кўпанак каби қишлоқлардан касаначилик асосида иш билан таъминлаган. Цех эса "JACK" ва бошқа зарур тикув машинаси ва ускуналари билан жиҳозланган.

Анжирбоғ маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Баҳодир Саломов эса илгари "Ўзмиллийбанк" АЖ Вобкент филиали бошқарувчиси ўринбосари лавозимида фаолият юритган молиячи. Иш бошлаган кунидан маҳалласидаги 2 минг 300 га яқин аҳоли, 510 та хонадон ва 656 та оилани ва улардаги ижтимоий муаммоларни ўрганди. 200 нафарга яқин ишсиз, яна 80 га яқин кам таъминланган хўжаликни оғир аҳволдан чиқариш чораларини кўриб келади. Бунинг учун унинг ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари билан бирга яқин ҳамкорлик қилаётгани қўл келмоқда.

– Лидер тадбиркоримиз Ашраф Мирзаев Оқработ қишлоғида "ASHMIR MILK INVEST" МЧЖ негизида сутни қайта ишлаш цехини ишга туширди, – деди ҳоким ёрдамчиси Баҳодир Саломов ЎзА мухбири Зариф Комиловга. – 5 та оила аъзоси бандлигини таъминлади. Бунда қишлоқдаги 50 га яқин хонадондан сут йиғиб олинади. "ASHMIR" ёрлиғи остида қадоқланади. Бундан ташқари, яқиндан бошлаб цехда творог ва қаймоқ тайёрлаш ҳам йўлга қўйилгани ички қувватни ошириш имконини берди.

Пресс-тур иштирокчилари ўтган ойда иш бошлаган "Amirtex" ёрлиғи остида "AZTEX" тикувчилик фабрикаси номини олган ишлаб чиқариш иншоотида бўлди.

– Корхона ишчи жамоасини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли чеварларни саралашда кам таъминланган оилаларда ишсиз ва даромадсиз қолган хотин-қизлар салоҳияти алоҳида ўрганилди, – дейди Гулистон маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Зафар Умуров. – Улардан 50 нафардан ортиғи шу ерда фаолияти йўлга қўйилган вилоят мономаркази филиалида касб-ҳунар курсига жалб қилинди.

Шу куни оммавий ахборот воситалари ходимлари Ғиждувон тумани маркази – Абдухолиқ Ғиждувоний маҳалласидаги Ўзбекистон халқ устаси Алишер Нарзуллаев уй-музейи, кулолчилик устахонасида ҳам бўлишди. Халқ амалий санъатининг қадимий анъанасини ардоқлаб келаётган оилавий сулола фаолияти билан яқиндан танишилди.

Бу ерда машҳур халқ устасининг ўғли, кулоллар сулоласи вакили Олимжон Нарзуллаев меҳмонларга батафсил маълумот берди. Ишлаб чиқариш, ранг-бўёқ тайёрлаш цех ва ўчоқлари, қолаверса, бой тарихий ашёларига эга уй музейи, унда қадрли бўлган осори-атиқалар билан таништирди. Шунингдек, айни пайтда 2,5 мингдан ошиқ аҳоли, 457 та хонадон ва 583 та оиласига эга "А.Ғиждувоний" маҳалла фуқаролар йиғинида бораётган ўзгариш ва янгиланишлар, ободонлаштириш ва ижтимоий муаммолар ечими хусусида ҳоким ёрдамчиси Азизбек Ашуров томонидан амалга оширилаётган ишлар эътибордан четда қолмади.

Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан амалга оширилган ислоҳотлар, хайрли ташаббусларнинг амалдаги ифодасидир.







# СЎХДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ

1-бет

Жажжиларнинг шўх-шодон қийқириқлари, кичиккина жуссаси билан юртини суяшга интилаётган беғубор қалбларнинг иқрорлари тоғларга урилиб, юрагимизда акс садо бергандек бўлди гўё.

– 20 йилдан буён ёз фасли келди дегунча, 20-30 нафар сўхлик болажонларни Қўқон шаҳридаги “Коинот” дам олиш масканига олиб борардим, узоқ йўл, хавфсизлик масалаларига жавобгарлик жуда қийин эди, – деди “Сўх” болаларни соғломлаштириш оромгоҳи директори Таваккал Эркаев. – Ўзимизда мукаммал шароитга эга бундай оромгоҳ бўлишини тушимизда кўрардик, холос. Президентимиз азми-шижоати билан тушлар ўнгга айланди. Болаларнинг болалигини қайтариб бергандек бўлди бу маскан. Жорий йил ёзги мавсум давомида минг нафар болани соғломлаштиришни режалаштирганмиз.

Оромгоҳнинг очилиш маросими шукуҳини сўхликлар ҳали унутгани йўқ. Тадбирда иштирок этган меҳмонлар Сўхдаги ўзгаришларни, янгиланишларни эътироф этди.

– Сўх водийси инсониятнинг Марказий Осиёдаги энг қадимги масканларидан бири ҳисобланади, – деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо. – Тош асри ёдгорликлари ҳақида сўз кетганда Чашма ва Селунгур маконлари тилга олинади. Обишир маданияти эса ажиб мўъжизалардан сўзлайди. Фарғонанинг, жумладан, Сўхнинг бир сиқим тупроғида бир асрлик тарих мужассам, бу ерда ҳар бир тоғ, қир, адир, ҳатто тошгача кўҳна тарих, боқий маданият ва маънавиятга дахлдор. Сўхда улуғ алломалар, азиз авлиёлар руҳи ҳикматини туямиз. Ҳазрати Бобур нафасини ҳис қиламиз. Санги Ойина, Ҳазрат Али, Маҳмуд Ғазнавий, Бобур кўприги, Мозор бува каби кўҳна ёдгорликлар, қадамжоларда не-не улуғларнинг изи бор, узоқ ўтмишимиз гувоҳи улар. Аминманки, Янги Ўзбекистон нафасини бугун ҳар бир сўхлик инсон ўз ҳаётида, оиласи мисолида ҳис қилиб турибди.

Бугун Сўхда 80 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Президентимиз нафақат мана шу 80 минг, балки эртага, келгусида туғиладиган юзлаб, минглаб фарзандларимиз бахтли ва фаровон яшаши учун Сўхга катта эътибор қаратяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 августдаги “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича 75 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, 76,9 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш бўйича 236,4 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 12 та давлат, оилавий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди, 11 та мактабгача таълим ташкилотида қўшимча гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди ҳамда боғчага қамров кўрсаткичи қарийб 70 фоизга етказилди. Мактаблар таъмирига 34 миллиард сўм, тиббиёт муассасалари қурилиши ва жиҳозланишига 27,8 миллиард сўм, спорт объектларига 5,5 миллиард сўм сарфланди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида “Ровон”, “Истиқлол”, “Қалъа”, “Сўх”, “Ғазнов”, “Ҳушёр”, “Мулгон”, “Шарқобод”, “Офтобру” маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорликлар аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда. Айниқса, сўхлик ёшларнинг олий ўқув юртларига кириши учун 500 та квота ажратилиши улар камолоти, Сўх истиқболига қаратилган муҳим қадам бўлди. Энг қувончлиси, Сўхга Фарғона вилояти марказидан авиарейслар қатнови йўлга қўйилди, сўхлик ёшларга олий таълимга киришда махсус грантлар ажратилди. Аслида, бугун бу каби янгилик ва ўзгаришларнинг саноғига етиш қийин.

Сўх юртимизнинг анклав мақомидаги ҳудуди бўлиб, мустақилликнинг қарийб чорак асрлик тарихида туман аҳли айни шу сабаб кўплаб муаммолар билан юзма-юз яшашига тўғри келди.

– Шавкат Мирзиёев Президентликка сайланганидан кейин дилбар Фарғонанинг узвий бир бўлаги бўлган Сўх туманига муносабат бутунлай ўзгарди, – деди сўхлик меҳнат фахрийси Субҳиддин ота Шарофиддинов. – Йиллар давомида қийнаб келган муаммолар босқичма-босқич ҳал этилди. Қишлоқ кўчаларини айланиб, орасталикдан ҳузурланасиз. Шу боис, бугун сўхликлар тилида-ю дилида шукрона. Қалбимизда мамлакат тақдири ҳамда бунёдкорлик ишларига дахлдорлик туйғуси жўш урмоқда.

Бир умр таълим тизими фидойиси бўлган Субҳиддин ота юрт равнақи, ривожи йўлида хизматга астойдил камарбаста бўлишга ундовчи бундай хайрли юмушлар бугунги долғали замонамизда жуда муҳим аҳамиятга эга эканини айтади. Умуман олганда, туманда бу каби ёши улуғ инсонлар ибратли ҳаёти, ҳалол меҳнати билан барчага ўрнак бўлмоқда.

Ёшлар – Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари. Уларнинг камолоти учун барча масъул. Шу боис ҳам улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти, барча шароит яратиляпти. Сўхда ҳам илм-фан, спорт, бадиий ижод, тадбиркорлик соҳасидаги ютуқлари билан барчамизни ҳайратга солаётган навқирон авлод сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Биргина спорт соҳасида мамлакат, қитъа ва жаҳон миқёсидаги чемпионатларда зафар қучиб келаётган Расулбек Давронов, Абдураҳим Қозиев, Фарҳод Исоев, Суҳробжон Қориев, Насим Муҳиддинов, Рустам Казаров сингари кўплаб сўхлик ёшлар номини фахр билан тилга олишимиз мумкин.

Тадбиркорлик бугунги кунда туманнинг драйверига айланмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик анъаналарининг жадал ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда туман иқтисодиёти қарийб икки баробарга ўсди, кичик бизнес субъектлари сони беш ҳиссага кўпайди.

Инсон қачон эртанги кунига ишонч билан боқади? Қачонки, рўзғори бут, турмушида хотиржамлик бўлса. Бунинг учун эса, аввало, доимий даромад манбаи бўлмоғи, бошқача айтганда, салоҳияти ҳамда лаёқатига яраша ишламоғи керак. Яширишнинг ҳожати йўқ, Сўхда аҳолининг катта қисми дуч келаётган долзарб масалалардан бири ишсизлик ҳисобланади. Шу маънода, бу ерда бандлик масаласига эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда Жавпая, Сурати, Варган ҳамда Малбут массивларидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай, йиллар мобайнида қаровсиз ётган 4 минг гектарга яқин адирлик ер майдонлари Фарғона давлат ўрмон хўжалигига ажратиб берилди. Ҳозирда ушбу ерларда лимончиликни йўлга қўйиш, лаванда, каврак, наъматак каби шифобахш мева ва ўсимликлар етиштириш мақсадида истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти.

– Жавпая массивининг асрлар давомида сувсизликдан қуриб-қақшаб ётган тош-шағалдан иборат ерларини ўзлаштириш ишлари авжида, – деди ёшлар фаоли Дадахон Ҳасанов. – Фарғона вилояти ҳокимлиги кўмагида замонавий ирригация тармоқлари ва сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, кам сув талаб қиладиган экинлар экиш ҳисобига аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Деҳқончилик қилиш учун барча шароит муҳайё қилингач, ерлар “Тул”, “Қалача”, “Соҳибкор”, “Ғазнов” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилганлар ва ташаббускор тадбиркор оилаларга 10 сотихдан иссиқхона ва 1 гектаргача боғ яратиш учун бўлиб берилаётир.

Бу массив учун Сўх дарёсидан беш километргача бўлган масофага сув, икки километрдан ортиқ жойдан электр тармоғи тортилди. Махсус ҳовузлар барпо этилиб, экин майдонларида томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйиляпти. Ҳудудда мингга яқин оила ер олиб, мевазор боғ яратиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сўх олмаси, нок, ўрик, хурмо, шафтолиси жуда харидоргирлигини инобатга олсак, яхши ниятда иш бошлаётган бу инсонларнинг даромади чакки бўлмайди.

2022 йилда Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида 39 та инвестиция лойиҳаси доирасида 3 миллион 400 минг долларлик тўғридан-тўғри инвестиция ўзлаштирилиши мақсад қилинган.

Яқин йилларгача ҳам Фарғона вилояти туманлари ичида Сўх ичимлик сув таъминоти энг оғир ҳудуд ҳисобланарди. Бу йил якуни билан туманда ичимлик сув таъминоти 100 фоизга етказилади. Бунинг учун 30 та сув иншооти қурилиши ва реконструкция қилиниши, 274 километр ичимлик суви тармоқлари тортилиши режалаштирилган.

Чегаранинг ортида Ватан бор. Лекин икки юртни боғловчи чегара масканларидан ўтиш хусусида гап кетганда, бундан беш-олти йил олдин сўхликлар оғир хўрсиниб қўярди. Бу хўрсиниқ азобларини ўша йиллари мазкур чегара масканларидан ўтган ҳамюртларимиз яхши англайди.

Яхшики, Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган оқил ва доно сиёсати туфайли кўп йиллик “муз”лар эриди. Икки қардош халқ ўртасида қайта бўй кўрсатган дўстона муносабатлар сўхликлар қалбига ҳам ором бахш этди. Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари орасида “Риштон” (“Қайтпас”), “Тул” (“Этикчи”) чегара постлари фаолияти тикланиб, Қирғизистон орқали ўтган “Сўх-Риштон” йўли очилгани туман аҳли учун сўнгги йиллардаги унутилмас воқелик бўлди. Бугунги кунда Фарғона вилояти марказига келиш учун 80 километр йўл босиб, беҳуда вақт сарфламай, қисқа – 20 километр йўл орқали кўзланган манзилга етиб олиш имконияти яратилди.

– Сўхликларнинг кўп йиллик яна бир орзуси рўёбга чиқиб, янги аэропорт бунёд этилди, – деди Ҳазратали маҳалласида яшовчи фуқаро Субҳонали Нишонов ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Бу ишлар учун давлат бюджетидан етти миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Эндиликда ҳафтанинг муайян кунларида самолётлар парвози амалга оширилмоқда. Умумий майдони етти гектар, узунлиги етти юз метрни ташкил этган учиш қўналғаси “ҳаво кемалари”нинг эркин ҳаракатланиши имконини беради. Фарғона вилояти марказидан Сўхга авиақатновлар йўлга қўйилиши сайёҳлар оқими кўпайишига хизмат қилишини инобатга олиб, Сўхдаги аэропортга ёндош ер майдонлари лавандазорга айлантирилмоқда. Бу келажакда дунё сайёҳларини ўзига оҳанрабодек тортувчи лаванда фестивалларини ўтказишда қўл келиши шубҳасиздир.

Айни кунларда туманда фахрийлар учун юз ўринли дам олиш маскани қурилиши юзасидан амалий ишлар бошланаётганини сайёҳлик инфратузилмаси ривожи учун яна бир қулайлик сифатида эътироф этишга арзийди.

Сўх – табаррук қадамжолар, обидалар, маданий мерос объектлари масканидир. “Ҳазрат Али”, “Султон Ғазнавий” зиёратгоҳи, “Селунғур ғори”, “Хўжайли Мурод” каби маданий ёдгорликлар ҳамиша маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар эътиборини тортиб келган. Туманнинг сайёҳлик харитасида “Сурати” тоғи муҳим ўрин тутиши аниқ. Сир-синоатга тўла тарихий манзилнинг силлиқ тоғ тошлари ойнадек товланади. Завқли томоша Сўхнинг гўзал ва бетакрор табиатининг кўз илғамас гўзалликларини илғаб олишга ундайди. “Фарғона – Сўх –Фарғона” йўналиши бўйлаб транспорт ва авиапарвозларнинг йўлга қўйилиши сайёҳлар оқимини сезиларли кучайтирди. Айни жиҳатларни инобатга олиб, туман ҳокимлиги томонидан ташаббускор тадбиркорлар қўллаб-қувватланиши туфайли 20 дан ортиқ уй меҳмонхоналари қурилди. Ҳозирда янги лойиҳа ташаббускорлари ўз бизнес-ғояларини амалга ошириш ҳаракатида. Туманда экотуризм, агротуризм, тиббиёт туризмини ривожлантириш учун изчил саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Шу кунларда Сўхда бўлган киши бу ердаги жўшқин ҳамда қизғин жараёнга, ҳудуд аҳли чеҳрасидаги мамнунликка гувоҳ бўлади. Бу ислоҳотларнинг ҳаётий ифодасига яққол мисолдир. Улар билан суҳбатлашсангиз, шукроналикка тўла дил изҳорларини ҳис этасиз. Қадамлари дадил, ўктам, орзу-ниятлари, эртанги кунга ишончлари юксак. Сўхликлар доимо Президентимизнинг меҳри ва эътиборини ҳис этиб, юрт равнақи йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлардан кўзланган эзгу мақсад ва унинг амалий самараси шу эмасми, аслида!

# Ислом цивилизацияси марказида ишлар қизғин боряпти

**Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,**
журналист.

**Юртимизда ислом дини қадриятларига катта эътибор берилаётгани баробарида табаррук жойларни ободонлаштириш ва зиёратчиларга шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Хусусан, биргина Тошкент шаҳри ҳудудида сўнгги йилларда кўплаб масжидлар қурилди, мавжудлари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Исломий сабоқлар, ҳаттотлик дарслари, араб тили ўрганувчилар учун ҳам қулайликлар яратиш мақсадида турли бинолар ўз иш фаолиятини бошлади.**



Шу ўринда пойтахтимизнинг қадимий қисми – Ҳастимомда Ислом цивилизацияси марказида ҳам қурилиш жараёни жадаллик билан олиб борилаётганини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимиз шонли тарихининг гувоҳи бўлган, ҳаттоки, Усмон қуръони сақланаётган муқаддас гўшага мана шундай марказ қуриш ва янги Ўзбекистонга ислом шуҳратини қайтаришга бошқалар қатори бунёдкорларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

– Юртимиздан чиққан олиму фузалолар нафақат муқаддас Ислом цивилизациясига балки илм-фан тараққиёти ривожига ҳам жуда катта ҳисса қўшишган – деди Ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров. – Мутафаккир олимларимиз ёзган асарлар дунёнинг турли жойларида жойлашган музейларда сақланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Ислом цивилизацияси биносининг қурилишидек бу хайрли ишлар келажак ворисларга “Биз ким эдигу, ким бўлдик” деган нақлни доимий ёдга солиб турса ажабмас.

Уста наққош Ҳикматулла Сайдуллев ва унинг шогирдлари Бурхонхўжа Мансурхўжаев, Юсуф Шокиров, Камолиддин Хушвақтов муқаддас даргоҳ биносининг ички безаклари бўйича иш олиб боришмоқда. Турли хил грих усулидаги панжаралар, юқори қисмини безаб турган нақшлар кишини ҳайратга солади. Шу давргача уста наққош кўплаб масжидларга чизган нақшлари билан чирой берган бўлса, бугун бу ерда ҳам бор маҳоратини кўрсатяпти.

Хоналар сони бисёр, кўплаб сайёҳлар, делегациялар келиши, халқаро анжуманлар ўтказилиши инобатга олиниб, замонавий жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Эътироф этиш керак, тез орада фойдаланишга топшириладиган ушбу Муқаддас Ислом маркази халқимиз ва унинг келажаги учун хизмат қилади.

# Ta’til – bilimlarimizni mustahkamlash uchun yaxshi imkoniyat

**Malika ERALIYEVA,**
Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi.

**Ayni damda barcha oliy, o‘rta maxsus-ta’lim muassasalari talabalari yozgi ta’tilda. Shu qatori Toshkent davlat yuridik universiteti talabalari ham.**

Aksariyat insonlar yozgi ta’tilni mazza qilib dam olib, madaniy hordiq chiqarib o‘tkazish kerak, deb hisoblaydi. Ammo mening fikrimcha, yozgi ta’til o‘quv yili davomida o‘rganganlarimizni takrorlash orqali bilimlarimizni yanada mustahkamlash uchun yaxshi imkoniyatdir. Bejizga buyuklar takrorlash – bilimning onasi, deb aytishmagan. Agarda ta’tilni maroqli dam olish bilan o‘tkazib, yozning issiq taftini bahona qilib, vaqtimizni mazmunli ishlarga sarflamasak, o‘quv yili davomida olgan bilimlarimiz esimizdan chiqib ketishi hech gap emas. Shuning uchun, tengdoshlarimga yozgi ta’tilni mazmunli ishlarga, ayniqsa, bilim olishga sarflashlarini tavsiya qilaman.

Men ham ta’tildan unumli foydalanib, ingliz tili kurslariga qatnayapman. O‘rganganlarimni esa kichkina jiyanlarimga o‘rgatyapman. O‘qitish ikki baravar o‘qishdir, deganlaridek, har bir inson o‘z o‘rgangan bilimlarini boshqalarga ham o‘rgatishi zarur. Bu orqali bilimini yanada mustahkamlashi, qolaversa, nutqini ham rivojlantirishi mumkin.

Darhaqiqat, til bilgan inson bugungi kunda o‘z yo‘lini topmasdan qolmaydi. Qolaversa, o‘z kasbining yetuk mutaxassisi bo‘laman degan har bir kadr eng avvalo, xorijiy tilni bilishi kerak deb o‘ylayman. Negaki, o‘z kasbini mukammal bilish uchun xorij tajribalarini o‘rganib, yurtimizga tatbiq qilishda eng muhim narsa bu – xorijiy tilni bilishdir. Shunday ekan, bugungi kunda ta’lim sohasida, qolaversa, xorijiy tillarni o‘rganishga da’vat etish maqsadida amalga oshirilayotgan islohotlarning barchasi mamlakatimizni rivojlantirish, yoshlarning barkamol avlod bo‘lib yetishishi uchun qaratilgandir.

Bir so‘z bilan aytganda, mana shunday yetuk kadr bo‘lib yetishishim uchun eng avvalo, rus va ingliz tillarini mukammal o‘rganishim, malakali huquqshunos sifatida rivojlangan davlatlarning ilg‘or tajribalarini mamlakatimizda joriy etishim uchun yozgi ta’tilning men uchun ahamiyati katta. Ba’zi dangasa insonlargina yozgi ta’tilni dam olish uchun sarflaydi. “Ulamolar nazdida vaqtning qadri” asarida shunday oltin misralar bor:

Yozning harorati xalaqit bersa,
Kuzning xazoni-yu, qishda qahraton.
Bahorning go‘zalligi rom etaversa,
Aytingchi, ilmni o‘qiysan qachon?!

# ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тадбиркор ва ишбилармонлар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришини кенгайтиришларида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Фарғона вилояти бўлими кейинги йилларда катта ишларни амалга оширяпти.**

Жамоанинг аҳоли орасига кириб бораётгани ва тадбиркорларни излаб топаётгани туфайли бугунги кунда 6 743 та юридик шахсларга банк хизматлари кўрсатилмоқда. Шу жумладан, 356 та қурилиш, 2 683 та савдо, 431 та ишлаб чиқариш, 487 та хизмат кўрсатиш, 972 та қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардир. Мутахассислар эътирофига кўра, бу кўрсаткич аввалги йилларга қараганда бир неча баробарга ортган.

Мазкур банкнинг қўллаб-қувватлаши туфайли фаолиятини шакллантириб олганлардан бири “Тошлоқ қурилиш ва таъмирлаш” хусусий корхонасидир. Хусусий ишлаб чиқариш корхона жамоаси айни пайтда умумий қиймати 10 млрд 500 млн сўмлик лойиҳа доирасида Тошлоқ туманининг Ахшак маҳалласида 5 қаватли турар жой қуряпти. Тадбиркорнинг талаби бўйича банк 5 млрд сўмлик имтиёзли кредит ажратиб берилгач, қурилиш материаллари ва махсус техника харид қилингани бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш имконини берди. Лойиҳа маҳаллий аҳоли, шунингдек, ёш оилалар ва кам таъминланган кишиларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшаётгани билан аҳамиятлидир.

Фарғона туманининг “Оқ олтин” МФЙ ҳудудида жойлашган “Хумо сиҳатгоҳи” МЧЖ раҳбари бироз аввал имкониятлари етарлигига қарамай, банклардан кредит ололмагани учун ҳафсаласизлик ҳолатига тушиб юрганди. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги чиқишларидан сўнг ҳеч вақт ўтмасдан мақсадига эришди. Шу кунларда корхонага банкдан ажратиб берилган умумий қиймати 13 млрд 795 млн сўмдан мақсадли фойдаланиб, “Хумо” соғломлаштириш-дам олиш масканида қурилиш ишларини бошлаб юборди.

Айтиш жоизки, тадбиркорнинг лойиҳаси тўлиқ ишга тушгач, бир вақтнинг ўзида 200 нафар кишини соғломлаштириш қуввати пайдо бўлади. Сиҳатгоҳдаги фитнес заллари, қишки ва ёзги бассейн ҳамда мароқли ҳордиқ чиқариш учун зарур бўлган маданий дастурларга мўлжалланган концерт залини ўз ичига олган йирик комплекс сингари мажмуаларда охирги ишлар бажарилмоқда. Муҳими, мажмуа фаолиятини бошласа, 97 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг вилоят бўлими инвестицион лойиҳалари ҳамда маҳаллабай тизимида ишларни ташкиллаштиришда бошқаларга намуна бўлаётгани амалий натижаларда яққол кўзга ташланмоқда. Шу ўринда яна бир мисолга эътибор қаратмоқчимиз. Қувасой шаҳридаги “Agro Service Asia” МЧЖ ҳамда “Global Leazing” МЧЖ корхоналари интенсив боғ ва нетхаус барпо қилиш мақсадида умумий қиймати 2 985 900 АҚШ долларилик лойиҳа билан банкка мурожаат қилишади. Лойиҳани пухта ўрганиб чиққан ходимлар банк ҳисобидан 1 985 900 АҚШ доллари кредит ажратиб берди.

Айни пайтда мавжуд ер майдоннинг асосий қисмида Исроил технологияси асосида нетхаус барпо қилинган бўлиб, қолган майдонда эса кўчатлар етиштириляпти. Тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳалари тез орада ўз самарасини берди. Ҳар бир гектардан 100 тоннадан ортиқ ҳосил етиштирилмоқда. Бу ерда 60 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ёзги мавсумда қўшимча 250-300 тагача ишчилар жалб қилиниши мўлжалланган.

# ҚИШЛОҚЛАРГА ЯНГИ ҲАЁТ БАХШ ЭТАЁТГАН ДАСТУР

**Одамзод обод, қулай, яхши жойда эмин-эркин яшайди. Агар яшаётган жойини яхшилашнинг иложи бўлмаса, бошқа жойга кўчади.**








Бундан беш йил аввал Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғидан ҳам одамлар кўчиб кета бошлаган эди. 2018 йил Президентимиз ташаббуси билан “Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилиши бу жараённи тўхтатди. Қишлоқ ҳаётида янги давр бошланди.

Фақат Манасда эмас, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги қишлоқларда ҳаётни тубдан ўзгартирган ушбу дастур асосида амалга оширилган катта ишларни бугун ҳатто бошқа мамлакатларда ҳам яхши билишади. Орадан беш йил ўтиб, бу воқеаларни эслашнинг сабаби пандемия туфайли бироз сусташган ушбу бунёдкорлик давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 мартдаги “2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан яна жонланди. Энди Манасда муваффақиятли амалга оширилган катта бунёдкорлик ҳаракати яна кенг қулоч ёзгани бу иш биринчи бошланган нуқтада эришилган натижаларни эсга солди.

Бундан беш йил аввал “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишда Манас намуна-синов майдони бўлиб хизмат қилган эди. Ушбу дастур туфайли Манас хароб қишлоқдан обод гўшага айланганини нафақат вилоятлардан, қўшни мамлакатлардан ҳам одамлар келиб кўриб кетишди. Бу ҳақда ўзимизда ҳам, хориждаги оммавий ахборот воситаларида ҳам кўп ёзилди.

Масалан, Болосоғун номидаги Қирғизистон миллий университети доценти Мирсаид Анарбаев “Ачык соз” (“Очиқ сўз”) газетасининг 2018 йил 13 сентябрь сонида ярим саҳифадан кўпроқни эгаллаган “Бекиёс ўзгарган Манас” сарлавҳали мақоласида ўзининг кўрганларини мароқ билан ҳикоя қилиб, шундай ёзган:

“Манас қишлоғи Ўзбекистоннинг 10 та вилояти оралаб ўтиб, мамлакатни Эрон, Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган улуғ йўлга яқин жойлашган. Энг муҳими, қишлоққа Президентнинг назари тушди. Уни кўргани атайин узоқлардан ташриф буюрувчиларнинг қадами узилмаяпти. Истагимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти бошлаган ушбу хайрли ташаббус қанот ёзиб, бутун мамлакат обод ва фаровон бўлсин”.

Ҳақиқатан ҳам “Обод қишлоқ” дастури дастлаб синовдан ўтказилган Манас қишлоғида амалга оширилган ишлар тарихдаги энг хайрли ишлардан бири бўлди.

Ушбу дастурни амалда синовдан ўтказиш учун Манас қишлоғи танлангани бежиз эмас. Жиззах чўлини ўзлаштиришнинг илк даврида вилоят марказидан 70 километр олисда барпо этилган Манас қишлоғида одамларнинг яшаш шароити ўта оғир эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими вазифасида ишлаган даврида бу ердаги оғир шароитдан хабардорлиги учун қишлоқлар ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган дастурни синовдан ўтказиш учун айнан уни танлаган бўлса керак.

Мингдан зиёд хонадонда 6 мингдан кўпроқ турли миллат вакилларидан иборат аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда кўча ва йўллар, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси тармоқлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, хуллас, барча инфратизим иншоотлари фойдаланиш муддати ўтиб, издан чиқиб бўлган эди. 25-30 йил давомида таъмирланмаган қишлоқ уйларининг, ижтимоий иншоотларнинг ташқи қиёфаси аянчли кўринарди. Қишлоқда бошқа иш бўлмаганидан аҳоли коттеж, кўп қаватли уйлар ёнидаги бўш ерларга хом ғиштдан кичик-кичик молхоналар қуриб, қўй-эчки, сигир боқиб тирикчилик қиларди.

Йиллар давомида секин-аста юзага келган қишлоқ инқирози одамлар руҳиятида ҳам кўникма ҳосил қилган, бу қийинчиликни ҳукуматнинг, маҳаллий ҳокимиятнинг эътиборсизлиги эмас, тақдирнинг, қисматнинг буюргани сифатида қабул қила бошлаганди. Кўпчилик 2-3 километр узоқликдан сув ташиб ичишга эшак араваси, яна биров қишда исинишга ғўзапояси, дастурхонда нон-чойи, ҳар замон қора шўрваси борлигига шукур қиларди.

Бу ҳаётга кўникмаган ўзига тўқроқ, имконияти бор оилалар қўшни мамлакатларга, республика, вилоят марказий шаҳарларига кўчиб кетганди. Аксарият ёшлар хорижга чиқиб ишлаб келишни ҳам муваффақият ҳисобларди. Бундай имконияти бўлмаганлар эса турмуш қийинчиликлари билан мардонавор курашиб, яшашда давом этаётганди.

Қишлоқдаги вазият аллақачон ҳаммасини янгилашни, бошқатдан бошлашни тақозо этарди. Бу иш катта куч, катта маблағ талаб қилиши, республика ҳукуматининг ёрдамисиз бу ишни бажариб бўлмаслиги ҳам кўриниб турарди.

"Обод қишлоқ” дастури қабул қилиниши билан Президентимиз топшириғига мувофиқ Манасга турли вазирлик ва идоралардан тегишли мутахассислар, техникалар кўмакка келиб иш бошлагач, бир ой ичида 34 та тўрт қаватли уй капитал, 30 дан зиёд шахсий хонадонлар жорий таъмирдан чиқарилди. Иккита мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси, 500 томошабин залига эга маданият саройи тўлиқ капитал таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. 22 та кўчанинг барчасига тўлиқ тош-шағал ётқизилди. 10 та кўча эни 6 метр кенгликда асфальтланди. Йўл ва кўчаларнинг чекка қисмига сув қочириш учун 6 километрдан зиёдроқ лоток ўрнатилди.

Дастур доирасида сизот сувлари сатҳи кўтарилишини бартараф этиш учун 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандирхоналар қурилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Сувоқова” давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан 6,5 километрлик сув қувури ётқизилди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирдан чиқарилди. 2 та умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ушбу мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси барпо этилиб, дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик дастгоҳлари билан таъминланди. 17 та болалар майдончаси, 2 та мини-футбол майдони, 250 ўринли стадион барпо этилди.

Дастур давомида қишлоқда амалга оширилган энг катта ўзгаришлардан бири қишлоқ аҳли учун ишлаш имконияти, доимий даромад манбаи яратилгани бўлди. Дастурни амалга ошириш давомида 200 нафардан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, “Жиззахпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 100 ўринли, “Заминтекс” масъулияти чекланган жамиятининг 20 ўринли тикувчилик цехлари қурилиб, қишлоқ хотин-қизларидан 120 нафари ишга жойлаштирилди.

30 та иссиқхона, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг молларини боқиш учун 100 бошга мўлжалланган замонавий ферма қурилди. Аҳолининг кундалик эҳтиёжини таъминлаш мақсадида замонавий кўринишдаги 31 та савдо дўкони, новвойхона, ҳаммом барпо этилди. Қишлоқ врачлик пункти қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 500 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника ташкил этилди.

– Халқимизнинг муаммоларини яхши биладиган ва уни ҳал эта оладиган Президентимиз назари қишлоғимизга тушиши бизнинг бахтимиз бўлди, – дейди ўша йилларда “Манас” қишлоқ фуқаролар йиғинига раис бўлган меҳнат фахрийси Жалил Кенжаев. – Манас республикамиз тарихида энг қисқа фурсатда қайта қурилган қишлоқ бўлса керак. 45 кун давом этган ҳашар давомида амалга оширилган ишларнинг барчасини санаб чиқиш қийин, албатта. Бу ишнинг бутун кўламини, маҳобатини ҳис этиш учун келиб кўриш керак.

Кўп қаватли уйлар олдидаги молхоналар ўрнида қурилган ўйин майдончаларида бугун қишлоқ болаларининг шодон овози янграмоқда. Ҳовлиларда гулзорлар барпо этилиб, дам олиш учун ўриндиқлар ўрнатилган. Бундан беш йил аввал экилган дарахтлар бугун вояга етиб мева, соя бераётир.

Дастур амалга оширилгунга қадар Манасда ҳовлисидан даромад оладиган хонадонлар кам эди. Сув келмаслиги, ернинг шўрлиги асосий сабаб қилиб кўрсатиларди. Қишлоқни ободонлаштириш давомида бунинг ҳам имконияти топилди. Оқар сув келди. Шўр ерда анор ривожланар экан. Бугун қишлоқдаги ҳар бир хонадонда анор етиштирилади.

– Ҳовлимизда 100 тупдан зиёд анор ўсаётир, – дейди Барчиной Ҳайитматова. – Рўзғордан орттириб, ҳар йили ярим тоннача анор сотамиз. Оилага қўшимча даромад. “Аёллар дафтари”га киритилган эдим. Маҳалла кўмаклашиб, мўъжазгина иссиқхона ҳам қуриб берди. Қишлоғимизни ободлаштириб, турмушимизни яхшилашга ғамхўрлик қилган Президентимиздан миннатдорман.

Яхши ишнинг яхшилигини айтиш ҳам зарур. Қишлоқларни ободонлаштиришда, янгилашда намуна-синов майдони бўлган Манасда амалга оширилган ишлар келиб кўришга, мақтовга арзирли.

Қишлоқни обод қилиш фақат аҳолининг моддий эҳтиёжини қондиришгина эмас, қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, ёшлар маънавиятини ўстиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. 500 ўринли “Манас” маданият уйи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданий-маърифий масканга айлантирилиши билан турли оммавий тадбирлар ўтказиш учун имконият яратилди. Қишлоққа республикамизнинг таниқли санъат ва маданият арбоблари иштирокида ижодий ташкилотлар жамоалари келиши, учрашувлар, бадиий кечалар ўтказилиши, концертлар ташкил этилиши энди одатга айланди. Қардош Қирғизистондан таниқли ижодкорлар ташриф буюриб, Манасдаги миллатдошлари ҳаёти билан танишиб кетишди.

Яхши ишнинг яхшилиги фақат биргина моддий жиҳатда эмас. Ўтган асрнинг 80-йилларида ташкил топган “Маржон” қирғиз миллий фольклор ансамбли фаолияти кейинги йилларда деярли тўхтаб қолганди. Дастур амалга оширилиши шарофати билан ансамбль қайтадан туғилди. Қисқа муддатда қайта тикланган ансамбль туман ва республикамиз миқёсида ўтказилган маданий ва оммавий тадбирларда фаол қатнашиб, юксак бадиий ижрочилик маҳоратини намойиш этди. 40 нафар манаслик истеъдодли ёшлардан ташкил топган бадиий жамоа ўтган йили шаҳар, туман бадиий жамоалари ўртасида танловнинг вилоят, республика босқичларида иккинчи ўринни эгаллади.

Катта байрам ва фестивалларда, жумладан, атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган концертда муваффақиятли иштирок этди.

“Обод қишлоқ” дастури асосида Манасда амалга оширилган ишлар халқимиз фаровонлигини ошириш, турмуш маданиятини юксалтиришда нақадар долзарб аҳамиятга эга вазифа эканлигини яққол кўрсатиб берди.

Бу эзгу ишлар, аввало, одамларни ҳаётдан рози қилиб, уларнинг эртанги кунга, давлатимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ишончини мустаҳкамлади.

Манас қишлоғида орттирилган тажриба Мирзачўлнинг Гагарин шаҳрида янада бойиди. Дастурни амалга оширишда бу ерда 2 мингга яқин аҳоли яшайдиган 317 та барак-уйдан иборат каттагина массивни бузиб, бу кулбаларнинг эгалари учун замонавий турар жой бинолари барпо этилди. Қисқа муддатда 317 та, жумладан, 4 сотихли 2-3 хонали 223 та намунали уй, 2-3 хонали 94 та кўп қаватли уй қисқа муддатда, май-октябрь ойларида қуриб битказилди.

Шаҳар марказий кўчасининг 1,3 километрлик қисми 3 метрга кенгайтирилиб, умумий узунлиги 7,5 километрли янги лоток, 17 километр бордюр ўрнатилди. Шаҳарда 21 километрлик ички йўл ва кўчалар таъмирланиб, асфальт ётқизилди. 27 километр пиёдалар йўлакчаси қурилиб, кўча бўйлаб 192 та ёритиш устуни ўрнатилди.

Гагаринни кўркам ва яшил шаҳарга айлантириш учун 27,5 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт, 100 минг тупдан ортиқ гул кўчатлари экилди, 21,5 минг квадрат метр майдонга чим ётқизилди.

Мирзачўлдаги қурилиш кўлами Манасдагидан бир неча марта каттароқ, суръати ҳам юқори, сифати ҳам чинакам шаҳармонанд бўлди. Бундан ташқари, кўп йиллар таъмирланмаган уйлар, турар жойлар таъмирланиши шаҳарга шинамлик, кенглик ва кўркамлик бағишлади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз, халқимиз, одамлар ҳаётида ўзгаришлар шунчалик тез рўй бермоқдаки, уларни тўлиқ англай олмай қолаётгандекмиз. Шууримизда кўпроқ бугун кўриб турганларимиз акс этиб, ўзгаришлардан олдинги манзара хотирамиздан тез ўчаётгандек. Бу тасаввур айнан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида амалга оширилаётган ишларга ҳам дахлдор. Гўё ҳаммаси аввалдан шундай бўлгандек.

Аммо илгари шу ерда яшаб, кейин тақдир тақозоси билан бошқа юртларга кетган кишилар бу ўзгаришларни янада аниқ ва теран ҳис этади. Мирзачўлда туғилиб, болалиги шу ерда ўтган, аниқроғи, шу ердаги 1-умумтаълим мактабини бундан 44 йил аввал битириб, дунёнинг турли томонига тарқалиб кетган бир гуруҳ синфдошларнинг Гагариндаги учрашувида айтилган гаплар ана шу фикрни тасдиқлади.

Меҳмонлар Гагарин шаҳрининг замонавий қиёфасини кўриб, ҳайратларини яширолмади. Улар болалик тасаввурларидаги Гагарин шаҳарчаси ўрнида бугун том маънода замонавий шаҳар пайдо бўлганини айтишди.

– Бу ердаги қариндошларим, синфдошларим орқали туғилиб ўсган шаҳримдаги янгиликлардан хабардор бўлиб тураман, – деди Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида яшовчи тадбиркор Баянжан Жумаханова ЎзА мухбири Тошқул Бекназаровга. – Аммо бунчалик катта ўзгаришларни кўраман, деб хаёлимга келтирмаган эдим. Болаликда ҳар куни юрган мана шу марказий кўчани ҳам танимай қолдим. Назаримда, у жуда кенгайиб кетгандек.

Кўп қаватли замонавий иморатлар қурилиб, икки ёнидаги эски деворлар, панжаралар, пастқам иншоотлар ўрнида яшил майдонлар, гулзорлар барпо этилибди. Бу ўзгариш биргина марказий кўчада эмас, бутун шаҳарда рўй бергани мени ростакамига ҳайратга солди. Бир вақтлар мен билган, кўрган шаҳар ўрнида бугун замонавий, кўркам ва чиройли шаҳар қад ростлабди.

Бундан тўрт йил аввал Гагарин шаҳри ҳақидаги бу гапларни тумандаги Мустақиллик, Ўзбекистон, Мирзадала, Дўстлик, Ержар, Боғбон маҳаллалари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Бу ободлик Жиззах вилоятининг барча ҳудудларида янгиланган қишлоқлар, маҳаллалар манзарасига айланиб бормоқда.

Дастур доирасида қурилиш, янгилаш, ободонлаштириш фақат туман марказларига яқин қишлоқларда эмас, вилоятнинг энг чекка, илгари ҳеч кимнинг эътиборида бўлмаган ҳудудларида ҳам олиб борилаётир. Жумладан, 90-йилларнинг бошида собиқ иттифоқ вазирликлари тасарруфидаги конларда ишловчилар яшайдиган Қўйтош, Маржонбулоқ, Хонбанди шаҳарчалари кейинги йилларда анча хароб ҳолга келиб қолган эди. Дастур асосида бу шаҳарчаларда ҳам жуда катта ҳажмда иш бажарилиб, улар қайтадан обод қилинди.

Ҳозир “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида қилинган ишлар ҳақидаги бу гаплар янгилик эмас, албатта. Аммо беш йил аввал бошланган ишга бу йил яна давлатимиз раҳбари томонидан қайта эътибор қаратилгани ободлик, одамларни ҳаётдан рози қилиш учун уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги энг муҳим вазифа эканлигининг яна бир исботидир.

“Обод қишлоқ” дастури вилоятнинг ҳар бир туманида иккитадан қишлоқда амалга оширилаётир. Аҳамиятли жиҳати, энди ободлик, янгиланиш фақат давлат дастурига тушган қишлоқларда эмас, деярли кўпчилик аҳоли манзилларига хос белги бўлиб қолди. Ҳозир вилоятнинг қайси ҳудудига йўлингиз тушмасин қурилишларга, ободонлаштиришга гувоҳ бўласиз. Бу – янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги манзараси. Бу манзара ҳали кўплаб тарихий, илмий, бадиий асарларга, фильмларга мавзу бўлиши, шубҳасиз.

Бу ишларнинг барчаси ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартираётир. Фақат ҳудуд қиёфасини эмас, одамларнинг кайфиятини ўзгартирмоқда, уларнинг қалбида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар истиқболига, келажакка ишонч кучаймоқда.

Давлатимиз раҳбари тез-тез таъкидлаб келаётганидек, қишлоқлар обод бўлса, у ердаги одамларнинг кайфияти ўзгаради, уларда ўз ҳаётини янада яхшилашга интилиш пайдо бўлади, бунинг натижасида Ватанимиз обод бўлади ва мамлакатимизнинг иқтисоди янада юксалади.







# Жиззах бунёдкорлигида ўзгаришлар кўп

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O'zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Яқин йилларгача қишлоқ хўжалигига ихтисослашган қайта ишлаш саноати ҳам айнан шу соҳага мослаштирилган Жиззах бугун енгил саноат, туризм, автомобилсозлик каби йирик лойиҳалар амалга оширилаётган ҳудудга айланди. Шу билан бирга, вилоят марказидан тортиб, чекка ҳудудларга қадар бўлган манзилларда аҳолининг турмушини яхшилаш борасида эътирофли ишлар амалга оширилмоқда.**

Вилоят маркази Жиззах шаҳридаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларига эътибор қаратилса, шаҳарнинг меҳмонлар учун бошланиш нуқтасига айланган темир йўл вокзалига туташ Темирйўлчилар ва Тошкент кўчаларини боғловчи тўрт полосали янги йўл, унинг икки томонида 5-7 қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилганини йирик қурилиш ишларининг бошланғич нуқтаси бўлди, дейиш мумкин. Мазкур ҳудуддаги лойиҳалар ўзига хос, замонавий дизайн асосида қад ростлаётган 6 қаватли мана бу бинога “Адолат уйи” деб ном берилган. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу эзгу ғояга асос бўлди. Йил охирига бориб, вилоятнинг Маъмурий, иқтисодий, жиноий ва фуқаролик судлари бир жойга жамланиб, фуқаролар учун қулайлик яратади, бу маскан адолат манзилига айланади.

– Бу ер вилоят аҳолисини оғирини енгил қиладиган, уларнинг турли соҳага оид масалаларини тезкорликда ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган масканга айланади, – деди Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Жиззах вилояти ҳудудий бўлими мутахассиси Бердибек Одилов.

Қурилиш ишларининг умумий қиймати 65 млрд сўмдан зиёд. Замонавий архитектура лойиҳалари асосида бунёд этилаётган мазкур бинода 80 фоиз ишлар якунлаган. “Қурилиш таъминоти” хусусий корхонаси қурувчилари томонидан айни пайтда ички ва ташқи пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятда амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа негизида инсон қадрини улуғлаш мақсади мужассам. Бунга Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани аҳолисини бир неча йиллардан буён қийнаб келаётган, уларнинг кўп йиллик орзусига айланган навбатдаги йирик лойиҳани мисол қилиш мумкин. Ислом Каримов номидаги кўчани М-39 “Тошкент-Термиз” автомобиль йўлига боғлайдиган йўл ўтказгич ҳамда янги йўналишдаги 4 километр автомобиль йўли муаммонинг ечими сифатида тилга олинмоқда.

Шаҳарнинг автомобиллар ва пиёдалар ҳаракати доимий тиғиз бўлган Марказий деҳқон бозори атрофидаги ҳудудда ҳам замонавий йўл ўтказгич қад ростлаши режалаштирилган. Ўзига хос дизайн асосида лойиҳалаштирилган бу кўприк фойдаланишга топширилиши натижасида ҳаракат хавфсизлиги таъминланади, йўл транспорт ҳодисалари камайишига эришилади. Эътирофга арзирли жиҳатлардан яна бири, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, беморлар дардига малҳам бўлиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бунинг учун ҳудудда янги тиббиёт муассасаларни барпо этиш, мавжудларини қайтадан реконструкция қилишга жиддий эътибор қаратиляпти. Жиззах шаҳридаги “Оққўрғонлик” МФЙ ҳудудида лойиҳа қиймати 75 млрд сўмдан зиёд бўлган, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 270 ўринга мўлжалланган янги биносида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Мазкур тиббиёт муассасасини жорий йил сўнгига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шунингдек, вилоятдаги энг йирик даволаш муассасаси ҳисобланган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали ҳам тубдан янгиланяпти. Фуқароларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида ҳар бир бўлим алоҳида янгича қиёфада мукаммал реконструкция қилиняпти. Биринчи босқичда қабул бўлими, даволаш бўлимлари таъмирдан чиқарилган бўлса, иккинчи босқичда қўшимча бино ва иншоотлар қурилиб имкониятлар кенгайтирилади.

Давлат дастури бўйича қад ростлаган йирик объектлар ҳақида гап кетганда Шароф Рашидов туманида амалга оширилаётган лойиҳа ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Туманнинг Янгиобод маҳалласида барпо этилаётган ногиронлиги бўлган шахслар учун “Мурувват уйи”ни ҳам эътироф этиш керак. 2020 йил майда бошланган, қарийб 3 гектар ер майдонни ўз ичига олган 330 ўринга мўлжалланган “Мурувват уйи” 5 та корпусдан иборат, замонавий кўринишларга эга бўлади.

**Андижон вилояти**

# КЕНЖА ТУМАНДАГИ КАТТА ИШЛАР

**Зиё СИРОЖ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Булоқбоши Андижон вилоятининг энг кенжа ва ҳудуд жиҳатидан энг кичик тумани ҳисобланади. У 1992 йилда, республикамиз Мустақиллигининг илк йилларида ташкил топган. Тоғолди ҳудуд бўлгани боис, табиати сўлим, баҳаво манзил. Тўғри, у ҳали тарих саҳифаларида зархал ҳарфлар билан битса арзигулик ҳодисаларга гувоҳ бўлгани йўқ. Бироқ шу мақсад сари бугун дадил ҳаракат қилмоқда. Дастлабки натижалар чакки эмас. Мисол учун, узумчилик соҳасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ўзига хос тажриба мактабига асос солди. Республика саримсоқпиёз етиштирувчилар уюшмаси ҳам айнан шу туманда жойлашганлиги бежиз эмас. Боиси, туман ушбу йўналишга ихтисослаштирилган бўлиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар алоҳида мавзуга сабаб бўлади.**



Қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган туманда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Сабаби, бунёдкорлик бор жойда тараққиёт мавжуд! Халқнинг фаровон турмуши, эртанги кунга бўлган ишончи кўп жиҳатдан бугун барпо бўлаётган объектлар-у, уларда амалга ошириладиган эзгу амалларга боғлиқ.

– Туманимизда бунёдкорлик соҳасидаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги "2022 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда, – деди туман ҳокимлигининг қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Темурмалик Қодиров. – Қарор ижросини таъминлаш доирасида 13,98 млрд сўмлик қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси туманимизда истиқомат қилаётган аҳоли манфаатларига хизмат қилади.

Ширмонбулоқ қишлоғи нафақат Андижон вилоятининг, балки республикамизнинг табиати сўлим ҳудудларидан бири ҳисобланади. Шундоққина тоғ ёнбағрида жойлашган ўнлаб дам олиш масканлари ички сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу ерда аҳоли сонининг ортиши эса айрим эҳтиёжларнинг юзага келишига сабаб бўляпти. Масалан, қишлоқдаги 22-умумтаълим мактабини олайлик. Шу пайтгача қишлоқнинг 500 нафардан зиёд ўқувчиси учун ягона таълим масканига айланган ушбу мактаб 220 ўринлидир. Шу боис, ундаги шарт-шароит бугунги кун талабига жавоб бермай қолган. Ҳозирда бу ерда "Нетал кондар" МЧЖ томонидан таъмирлаш ва қўшимча ўқув биносини қуриш ишлари олиб боріляпти.

– Янги ўқув йилидан бошлаб мактаб бутунлай янгича қиёфани касб этади, – деди ишчи Рўзивой Собиров. – Бу ерда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун зарур бўлган барча шароит яратилмоқда. Қурилиш материаллари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган бўлиб, бугунги кун талабига тўла жавоб беради.

5 млрд 445 млн сўмлик лойиҳа асосида барпо этилаётган манзилда қўшимча 330 ўринли ўқув биноси ҳам қад ростламоқда. Бир сўз билан айтганда, ширмонбулоқлик ёшлар янги ўқув йилини муносиб совға билан қарши олишади. Бу каби саъй-ҳаракатлар 10-мактабгача таълим ташкилоти, "Ойдинкўл" ҳамда "Баққол" коллекторларида ҳам давом этяпти.

Ушбу кенг ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари булоқбошиликларнинг хурсандчилиги ва миннатдорлигига сабаб бўляпти. Негаки, бунинг натижасида аҳоли турмуш шароити яхшиланибгина қолмасдан, қишлоқлар ўзгача қиёфа касб этади.

– Бизнинг Кулла қишлоғимиз Булоқбоши, Марҳамат, Асака, Андижон туманлари ва Андижон шаҳрига ёндош бўлганлиги боис ниҳоятда гавжум, – деди "Бозорбоши" МФЙда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Неъматилло Аҳмадалиев. – Бу ерда шаҳарникидан қолишмайдиган шароитлар мавжуд. Меҳрикулол ва Сой бўйи кўчаларининг 1,25 километрлик қисмида давом этаётган ободонлаштириш ишлари унинг қиёфаси ҳам шунга монанд бўлаётганидан далолатдир. Юртимизда юзага келаётган ўзгаришлардан хурсандмиз. Зеро, тинчлик ва хотиржамлик бор жойдагина қурилиш ишларини амалга ошириш мумкин.

Юрт ободлигини таъминлаш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда "Обод қишлоқ" давлат дастурининг аҳамияти катта бўлмоқда. Дастур доирасида 9 та йўналиш бўйича ажратилаётган 29,1 млрд сўм маблағ ҳисобидан "Учтепа" ва "Тинчлик" МФЙларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб боріляпти. Жумладан, 15 километр масофадаги ички йўлларни асфальтлаш, бетонлаш ва шағаллаш ишлари давом этмоқда. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 16,3 километр масофага тармоқ тортиш ва таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлса, 230 та устун темир-бетон таянчларга алмаштирилмоқда. Қолаверса, 11 та трансфарматорларни таъмирлаш ва янгисини ўрнатиш ишлари бошлаб юборилган.

– Туманимизнинг номи Булоқбоши бўлгани боис, тоза ичимлик сувида муаммо йўқ, деб ўйлашади, – деди Тинчлик кўчасида яшовчи Саидахон Бадалова. – Аслида ундай эмас... Сув куннинг белгиланган вақтидагина берилиши ҳудудда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни юзага келтирди. Маҳалламиз "Обод қишлоқ" дастурига киритилгач, бу каби масалалар ижобий ечим топмоқда. Жумладан, 21,5 километр тармоқ тортиш ва 1 та сув қудуғини қуриш ишлари олиб боріляпти. Тез орада маҳалламизда ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ижобий ечим топишидан умидвормиз.

Умуман олганда, туманнинг қай бир манзилига разм солманг бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Бу эса мамлакатимизда инсон қадри, унинг манфаати ҳамма нарсадан устун эканлигидан далолатдир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимиз бугунидан миннатдор бўлиб яшаши учун эртанги куннинг пойдеворию, мустаҳкам устунлари шу бугуннинг ўзидаёқ барпо этилмоғи шарт!

# Янги иншоот жаҳон талаблари асосида барпо этилди

**Қўрғонтепа туманида 37 млрд сўмлик лойиҳа асосида оқова сувни тозалаш иншооти барпо этилмоқда. Ҳозирда қурилиш ишларининг охирги босқичи амалга ошириляпти. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, тумандаги оқова сув ушбу иншоотда тўпланиб, 4 босқич асосида қайта ишланади.**

– Бунда кимёвий ва техник омиллар орқали оқова сувдан оқин сув ажратиб олинади, – деди "Андижон сув таъминоти" МЧЖнинг тумандаги филиали раҳбари Қобилжон Қўчқоров. – Оқин сув қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ишлатилса, ундан ажраб чиққан чиқинди минераллаштирилган ҳолда фермер хўжаликларига экинлар учун озуқа тариқасида етказиб берилади.

Янги иншоот 3 минг куб ҳажмдаги оқова сувни қабул қилиб, уни қайта ишлаш орқали яна фаолиятга йўналтиради. Бунинг учун масканда 30 та янги иш ўрни яратилади.



**Наманган вилояти**

# Конституциявий қонун лойиҳасига бағишланди

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Шу кунларда мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг муҳокамаси давом этмоқда. Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармасида ўтказилган тадбир ҳам шу мавзуга бағишланди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Мўътабархон Қозиева, мазкур партия Наманган шаҳар кенгашининг раиси Дилноза Ўринбоева ва Экологик партия Наманган шаҳар кенгаши раиси Шаҳноза Тўхтасинова Асосий Қонунга киритилиши назарда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

– Тадбирда қатнашганлар юртимизда давом этаётган муҳим сиёсий жараён ҳақида зарур маълумотларга эга бўлдилар, – деди бош бошқарма қошидаги "Архитектура-режалаштириш бюроси" давлат унитар корхонаси лойиҳа меъмори Одилжон Қодиров. – Янгиланган Конституция Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлишига ишонамиз. У юрт тараққиётини таъминлашга, халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилиши лозим.

# Қишлоқларда кўп қаватли уйлар

**Мингбулоқ туманида 2022 йилда 5 та беш қаватли уй қурилмоқда. Уйлар битгач, 130 та оилада хонадон тўйлари ўтказилади.**

Мустақиллик маҳалласи ҳудудида "Mingbuloq sifat qurilish savdo" МЧЖ бинокорлари 20 хонадонли турар жой биносининг 4-қаватида ғишт уриш ва ички пардозлаш ишларини бажармоқда. Объект йил охиригача фойдаланишга топширилади. Худди шундай уйлар "Қўриқобод" ва "Пахтакор" маҳаллаларида ҳам қурилмоқда.

# Олахамакда мономарказ барпо этилмоқда

**Наманган тумани ҳудудидаги Олахамак маҳалла фуқаролар йиғинида мономарказ қад ростлаяпти.**

Бу ерда умумий қиймати қарийб 12 млрд сўмлик маблағ эвазига ҳудуд аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш ва доимий иш билан таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилиши режалаштирилган. Тез орада фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган ушбу марказда ёшларни эгаллаган соҳаси бўйича иш билан таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**Қашқадарё вилояти**

# Равон йўллар – тараққиёт гарови



**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ота-боболаримизнинг "Йўл қурган етар муродга", деган ҳикмати замирида эзгуликлар мужассам. Йўллар – манзилларни боғлайди. Кенг ва равон йўллар фурсатни қисқартиради, вақтни тежайди. Ён-атрофдаги ободонлаштириш ишлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг сифати эса йўловчи, ҳайдовчилар учун мамнуният бағишлайди.**

Шу мақсадда бугун Қашқадарё вилоятида йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Маълумот учун: вилоятда 22 035 километр автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари – 3 487 километрни, ички хўжалик йўллар, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари – 18 548 километрни ташкил этади. Шунингдек, йўлларнинг ажралмас қисми бўлган кўприклар вилоятда 1 432 та бўлиб, 612 та умумфойдаланув автомобиль йўлларида, 573 таси ички хўжалик йўлларида жойлашган ва сув хўжалиги бошқармасига қарашлиси эса 247 тадан иборат.

Ана шу йўл инфратузилма халқаро стандартларга мос бўлиши, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш орқали йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш иши доимий эътиборга олинган. Бу борада 2022 йил вилоятда белгиланган барча давлат дастурлари асосида 578,9 млрд сўмлик йўл қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Режага кўра, 757,5 километр йўллар таъмирланиши, 17 та кўприкнинг қайта қурилиши белгиланган. Ўтган олти ойда 212,2 километр йўллар таъмирланган ва 2 та кўприкда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди ҳамда 226,1 млрд сўмлик ишлар амалга оширилган. Жумладан, инвестиция дастурлари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг тараққиёт жамғармалари ҳисобидан ҳам вилоят ҳудудидан ўтган умумфойдаланувдаги халқаро йўлларни жорий таъмирлаш, сақлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган.

Бу борада олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларидан, инвестиция дастури асосида йилдан-йилга ўтувчи 4 та объектда қайта қуриш ишларини амалга ошириш учун 85,0 млрд сўм маблағ ажратилган ва йил якунига қадар 19 километр йўллар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 37,2 млрд сўмлик ишлар бажарилган. Шунингдек, халқаро молия институтлари Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт Араб тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан "Ғузор-Чим-Кўкдала" автомобиль йўлининг 38-73 километрларини қайта қуришга 115,0 млрд сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, йил якунида 35 километр йўли фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Шу билан бир қаторда умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш, қишки қаров ва сақлаш ишлари бўйича ҳам ҳозирда 139 километрдан ортиқ йўлларнинг ҳолати яхшиланиб, ўтказувчанлик қобилияти оширилди. Яна бир жиҳат, йўлсозликда нафақат уни қуриш ва таъмирлаш, балки йўл ўтган манзилларни ободонлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ҳамда "Яшил йиллик" умуммиллий тадбирларининг ташкиллаштирилаётгани барчага бирдек хизмат қилмоқда. Айни шу масалаларни ўзида мужассам этган ҳолда вилоятда 10,2 млрд сўм маблағ ажратилиб, бугунги кунга қадар 8,4 млрд сўмлик ишлар бажарилди.

Жорий йилнинг 7 апрелида Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида инсон қадрига қаратилган масалалар ижроси кўриб чиқилгани ҳолда йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва ички йўлларни яхшилаш, хусусан, 2022 йилда Қашқадарё вилоятида 190 километр цемент-бетон қопламали ички йўлларни барпо этиш вазифаси белгиланган эди. Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил ички хўжалик йўллари ҳолатини яхшилаш бўйича 145,7 млрд сўм маблағ эвазига 386,2 километр йўллар таъмирланиши кўзда тутилган. Хусусан, "Обод қишлоқ" ва Обод маҳалла" дастурлари доирасида 378,7 километр ички хўжалик йўлларини таъмирлаш ишлари учун 139,6 млрд сўм маблағ ажратилиши ҳисобига ҳозирги кунда барча объектларнинг лойиҳа-сметалари ишлаб чиқилиб, давлат экспертизасидан ўтказилган ҳамда тендер савдолари орқали пудратчилар аниқланган. Шунингдек, дастур бўйича 72,2 км (1,2 километр бетон йўл, 16,6 километр асфальт-бетон ётқизиш ва 54,4 километр шағал қоплама ётқизиш) ички йўллар таъмирланиб, 19,2 млрд сўмлик ишлар бажарилган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21-22 апрель кунлари Қашқадарёга ташрифи давомида ҳам автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлашга оид берган топшириқларининг ижроси бўйича вилоятга йўл ишлари учун қўшимча 350,2 млрд сўм маблағ белгиланган бўлиб, шундан республика бюджетидан 85,0 млрд сўм, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан эса 265,2 млрд сўм ажратилиб, ушбу маблағлар доирасида 56 та йўл объектида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилган.

Вилоятдаги амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад, "Инсон қадри учун" тамойили асосида аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва турмуш даражасини яхшилашдан иборатдир.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Июль ойининг шу ҳафталарида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Ахборот тизимлари ва рақамли технологиялар бўлими бошлиғи **Марат Загрутдинов,** Пудрат бозорини ривожлантириш ҳамда қурилиш-лойиҳа ташкилотлари рейтингини юритиш бошқармаси бошлиғи **Таир Алиматов,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Рустам Худоёров,**

Андижон вилояти, Хўжаобод тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Аброржон Эсонбоев,**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи **Дилшод Рашидов,**

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура ва қурилиш бўйича шаҳар ва туманлар бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Жаҳонгир Назаров,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Буюртмачилар билан ишлаш бўлим бошлиғи **Баҳодир Бобақулов,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси **Зарифбой Шукуров,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Сурхондарё вилояти филиали эксперти **Шуҳрат Раҳмонов,**

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Алишер Исамуҳамедов,** Бўка тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектори **Даврон Абдураҳимов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Баҳром Арзиқулов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

## "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

**нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

2022 йил 25 август куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

"Ҳазорасп пахта тозалаш" АЖнинг 2022 йил 15 июлдаги 6-сонли буйруғи ва "Ҳазорасп пахта тозалаш" АЖнинг 2022 йил 25 июлдаги 01/52-сонли хатига асосан, Ҳазорасп тумани, Н. Машарипов кўчаси, 2-уйда сақланаётган, 2016 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 056 FBA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "LACETTI" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси ҚҚС билан** – 44 514 200 (қирқ тўрт миллион беш юз ўн тўрт минг икки юз) сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси 2022 йил 25 августдаги очиқ аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 9 сентябрь кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Расмий веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

### ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ

### очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

**“Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2022 йил 19 июлдаги 202-сонли буюртманомасига асосан, қурилиши режалаштирилаётган қуйидаги савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

1. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчасининг сони** – 2 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 350 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 530 250 000 сўм.

2. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчасининг сони** – 2 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 430 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 651 450 000 сўм.

3. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчасининг сони** – 1 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 290 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 439 350 000 сўм.

4. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчасининг сони** – 1 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 355 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 537 825 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 19 август куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2022 йил 22 август куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2053 3172 3001ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк куни ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-“а” уй.

**Телефон:** 99-277-07-40.

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ онлайн-аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога ҚК “Уз Кейс Сервис” МЧЖнинг 2022 йил 15 июлдаги UCS-234-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, “Уз Кейс Сервис” МЧЖ Наманган сервис марказида сақланаётган қуйидаги транспорт воситаси қўйилмоқда:**

2011 йилда ишлаб чиқарилган, завод рақами 4311EC01478, “TL 100” русумли бўлган, техник носоз трактор воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 26 108 588 сўм.

Аукцион савдо **2022 йил 26 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 24 август куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Юқоридаги техник воситаси 2022 йил 26 август кунида сотилмаган тақдирда,** такрорий савдолари 2022 йил 9, 23 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон/факс:** 71-237-23-96.

**Веб-сайт:** www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “LOMBARD ASAT-KREDIT” МЧЖнинг 2022 йил 19 июлдаги 5-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 23 апрелдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 42-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 5430 | Браслет 1 шт. о.в. 3,08 гр. 750 пр. | 1 310 805,27 |
| 2. | 5971 | Серьги 1 пара о.в. 2,56 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,74 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,90 гр. 585 пр. | 2 281 213,27 |
| 3. | 6019 | Кольцо 1 шт. о.в. 3,17 гр. 585 пр. | 1 134 358,27 |
| 4. | 6221 | Кольцо 1 шт. о.в. 3,95 гр. 585 пр. | 1 588 858,27 |
| 5. | 6369 | Цепь 1 шт. о.в. 10,20 гр. 585 пр. | 3 937 108,27 |
| 6. | 6451 | Серьги 1 пара о.в. 2,95 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,05 гр. 500 пр. | 1 840 222,02 |
| 7. | 6500 | Кольцо 1 шт. о.в. 4,52 гр. 585 пр. | 1 785 808,27 |
| 8. | 6522 | Кольцо 1 шт. о.в. 5,04 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 4,21 гр. 585 пр. | 3 255 358,27 |
| 9. | 6543 | Кольцо 1 шт. о.в. 4,12 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 4,43 гр. 585 пр. | 2 725 108,27 |
| 10. | 6609 | Серьги 1 пара о.в. 4,24 гр. 585 пр. | 1 452 508,27 |
| 11. | 6619 | Серьги 1 пара о.в. 3,84 гр. 585 пр. | 1 210 108,27 |
| 12. | 6865 | Браслет 1 шт. о.в. 2,86 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 5,44 гр. 500 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 3,01 гр. 585 пр. | 3 861 358,27 |
| 13. | 6884 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,99 гр. 585 пр. | 1 063 021,97 |
| 14. | 6912 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,49 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 4,11 гр. 500 пр. | 2 321 588,02 |
| 15. | 6917 | Кольцо 1 шт. о.в. 3,59 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,80 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 1,49 гр. 585 пр. | 2 210 008,27 |
| 16. | 6935 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,49 гр. 585 пр. | 899 836,27 |
| 17. | 6990 | Браслет 1 шт. о.в. 1,66 гр. 585 пр.; цепь 1 шт. о.в. 3,67 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,66 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,52 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 4,07 гр. 585 пр. | 4 391 608,27 |
| 18. | 7006 | Серьги 1 пара о.в. 4.01 гр. 585 пр. | 1 285 858,27 |
| 19. | 7026 | Серьги 1 пара о.в. 4,14 гр. 585 пр. | 1 260 713,31 |
| 20. | 7074 | Браслет 1 шт. о.в. 2,84 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 4,03 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,65 гр. 585 пр. | 3 528 058,27 |
| 21. | 7171 | Цепь 1 шт. о.в. 5,93 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 3,76 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,59 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,78 гр. 585 пр. | 4 921 858,27 |
| 22. | 7609 | Браслет 1 шт. о.в. 20,32 гр. 585 пр. | 7 391 308,27 |
| 23. | 7941 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,24 гр. 500 пр. | 907 108,27 |
| 24. | 8018 | Колье 1 шт. о.в. 12,34 гр. 585 пр.; браслет 1 шт. о.в. 5,72 гр. 585 пр.; браслет 1 шт. о.в. 7,03 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,34 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 4,87 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 2,34 гр. 585 пр. | 12 512 008,27 |
| 25. | 8046 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,40 гр. 585 пр.; браслет 1 шт. о.в. 2,79 гр. 585 пр. | 1 769 567,47 |
| 26. | 8053 | Кольцо 1 шт. о.в. 1,91 гр. 585 пр. | 725 308,27 |
| 27. | 8060 | Часы “Чайка” с кож рем о.в. 10.47 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,90 гр. 585 пр. | 2 073 658,27 |
| 28. | 8194 | Серьги 1 пара о.в. 3,19 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,39 гр. 585 пр. | 2 194 858,27 |
| 29. | 8236 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,56 гр. 585 пр. | 831 358,27 |
| 30. | 8322 | Кольцо 1 шт. о.в. 7,34 гр. 585 пр. | 2 816 008,27 |
| 31. | 8395 | Кулон 1 шт. о.в. 4,16 гр. 585 пр.; браслет 1 шт. о.в. 9,91 гр. 585 пр. | 5 406 658,27 |
| 32. | 8438 | Колье 1 шт. о.в. 13,15 гр. 585 пр. | 4 618 858,27 |
| 33. | 8492 | Кольцо 1шт о.в. 4,14 гр. 585 пр. | 1 740 358,27 |
| 34. | 8509 | Кольцо 1 шт. о.в. 3,88 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 3,68 гр. 585 пр. | 2 346 358,27 |
| 35. | 8518 | Кольцо 1 шт. о.в. 4,97 гр. 500 пр. | 1 270 708,27 |
| 36. | 8667 | Колье 1 шт о.в. 31.71 гр. 585 пр. | 12 087 808,27 |
| 37. | 8676 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,41 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,81 гр. 585 пр. | 1 937 308,27 |
| 38. | 8683 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,61 гр. 585 пр. | 1 134 358,27 |
| 39. | 8838 | Цепь 1 шт. о.в. 4,86 гр. 585 пр.; кулон 1 шт. о.в. 1,67 гр. 585 пр. | 2 346 358,27 |
| 40. | 8856 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,45 гр. 585 пр. | 831 358,27 |
| 41. | 9034 | Серьги 1 пара о.в. 6,11 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,76 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 3,59 гр. 585 пр. | 3 187 183,27 |
| 42. | 9044 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,00 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 3,38 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 2,94 гр. 585 пр. | 3 255 358,27 |
| 43. | 9072 | Цепь 1 шт. о.в. 11,28 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,31 гр. 585 пр. | 5 376 358,27 |
| 44. | 9098 | Цепь 1 шт. о.в. 7,93 гр. 585 пр. | 3 406 858,27 |
| 45. | 9134 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,30 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,25 гр. 585 пр. | 1 452 508,27 |
| 46. | 9182 | Цепь 1 шт. о.в. 6,16 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 5,28 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,55 гр. 585 пр. | 5 224 858,27 |
| 47. | 9217 | Кольцо 1 шт. о.в. 1,28 гр. 585 пр. | 604 108,27 |
| 48. | 9300 | Браслет 1 шт. о.в. 6,67 гр. 585 пр. | 2 891 758,27 |
| 49. | 9319 | Серьги 1 пара о.в. 2,88 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,16 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,47 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 1,87 гр. 585 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,76 гр. 585 пр. | 4 618 858,26 |
| 50. | 9359 | Кольцо 1 шт. о.в. 2,43 гр. 585 пр.; серьги 1 пара о.в. 4,71 гр. 585 пр. | 2 346 358,26 |
| 51. | 9398 | Браслет 1 шт. о.в. 6,58 гр. 585 пр.; Кольцо 1 шт. о.в. 1,75 гр. 585 пр. | 3 603 808,26 |
| 52. | 9407 | Серьги 1 пара о.в. 3,53 гр. 500 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,33 гр. 500 пр.; кольцо 1 шт. о.в. 2,66 гр. 585 пр. | 2 770 558,26 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **151 945 256,44** |

Аукцион савдолар **2022 йил 25 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 23 август куни соат 16.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 25 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 8 ва 22 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “AVANGARD-KREDIT” МЧЖнинг 2022 йил 14 июлдаги 3-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 23 апрелдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 3732 | Кольцо о.в. 1,51 гр. 500 пр. | 771 469,69 |
| 2. | 3733 | Часы “Полет” с ком. рем. о.в. 50,13 гр. 500 пр. | 8 476 759,69 |
| 3. | 3784 | Кольцо о.в. 15,25 гр. 500 пр. | 4 418 074,69 |
| 4. | 3848 | Кольцо о.в. 5,38 гр. 500 пр. | 1 694 528,89 |
| 5. | 3862 | Цепь о.в. 19,73 гр. 500 пр. | 9 164 569,69 |
| 6. | 3866 | Кольцо о.в. 2,04 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 1,60 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 5,44 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 3,02 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 1,90 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 1,79 гр. 500 пр. | 6 967 819,69 |
| 7. | 3867 | Серьги о.в. 2,76 гр. 585 пр. | 1 286 569,69 |
| 8. | 3885 | Серьги о.в. 3,68 гр. 585 пр. | 1 465 642,69 |
| 9. | 3895 | Серьги о.в. 4,40 гр. 585 пр. | 1 161 006,49 |
| 10. | 3935 | Браслет о.в. 9,90 гр. ч.в. 9,90 гр. 585 (500) пр. | 4 619 569,69 |
| 11. | 3988 | Серьги о.в. 4,64 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 1,41 гр. 585 пр. | 2 725 819,69 |
| 12. | 4006 | Кольцо о.в. 3,66 гр. 585 пр.; кулон о.в. 3,34 гр. 585 пр.; браслет о.в. 4,07 гр. 585 пр.; цепь о.в. 10,44 гр. 585 пр. | 7 846 570,19 |
| 13. | 4028 | Цепь о.в. 5,06 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 1,48 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 2,94 гр. 585 пр. | 4 013 569,69 |
| 14. | 4145 | Цепь о.в. 5,61 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 1,49 гр. 500 пр.; серьги о.в. 0,60 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 2,13 гр. 585 пр.; серьги о.в. 2,99 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 1,44 гр. 500 пр. | 6 286 069,69 |
| 15. | 4147 | Кольцо о.в. 2,66 гр. 585 пр. | 1 099 356,09 |
| 16. | 4261 | Цепь о.в. 6.55 гр. 585 пр. | 2 998 519,69 |
| 17. | 4325 | Цепь о.в. 4,20 гр. 585 пр.; цепь о.в. 7,99 гр. 500 пр.; серьги о.в. 3,54 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 2,82 гр. 585 пр.; серьги о.в. 4,92 гр. 585 пр.; серьги о.в. 4,26 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 3,05 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 6,00 гр. 750 пр.; кольцо о.в. 4,77 гр. 585 пр.; серьги о.в. 9,39 гр. 585 пр. | 18 556 812,19 |
| 18. | 4332 | Серьги о.в. 1,19 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 3,00 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 3,19 гр. 585 пр. | 2 194 206,19 |
| 19. | 4333 | Цепь о.в. 5,07 гр. 500 пр. | 2 347 069,69 |
| 20. | 4343 | Кольцо о.в. 3,36 гр. 585 пр. | 1 635 019,69 |
| 21. | 4347 | Кольцо о.в. 1,59 гр. 500 пр. | 832 069,69 |
| 22. | 4434 | Цепь о.в. 9,48 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 5,91 гр. 500 пр. | 5 952 618,19 |
| 23. | 4477 | кольцо о.в. 3,63 гр. 500 пр. | 371 774,31 |
| 24. | 4519 | Кольцо о.в. 4,57 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 2,85 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 3,62 гр. 585 пр. | 4 240 819,69 |
| 25. | 4547 | Кольцо о.в. 4,45 гр. 585 пр.; серьги о.в. 7,39 гр. 585 пр. | 5 604 319,68 |
| 26. | 4639 | Кольцо о.в. 1,31 гр. 500 пр.; серьги о.в. 9,66 гр. 585 пр. | 2 484 197,38 |
| 27. | 4770 | Кольцо о.в. 2,29 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 3,43 гр. 585 пр.; кулон о.в. 1,34 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 2,11 гр. 500 пр.; серьги о.в. 1,76 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 3,20 гр. 500 пр.; серьги о.в. 4,27 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 4,37 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 2,47 гр. 500 пр. | 10 376 569,68 |
| 28. | 4883 | Цепь о.в. 16.13 гр. 585 пр. | 7 649 569,68 |
| 29. | 4990 | Кольцо о.в. 3,65 гр. 585 пр.; браслет о.в. 3,20 гр. 500 пр.; браслет о.в. 5.43 гр. 585 пр.; цепь о.в. 14,87 гр. 585 пр.; кольцо о.в. 2,13 гр. 500 пр.; кольцо о.в. 5,01 гр. 750 (500) пр.; серьги о.в. 7,25 гр. 750 (500) пр. | 19 340 824,68 |
| 30. | 5009 | Кулон о.в. 2,04 гр. 585 пр. | 983 569,68 |
| 31. | 5034 | Кольцо о.в. 3,22 гр. 500 пр.; серьги о.в. 6,03 гр. 500 пр. | 3 407 569,68 |
| 32. | 5050 | Серьги о.в. 8,73 гр. 585 пр.; серьги о.в. 9,97 гр. 750 пр.; браслет о.в. 24,82 гр. 500 пр. | 17 813 704,68 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **168 786 630,72** |

Аукцион савдолар **2022 йил 25 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 23 август куни соат 16.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 25 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 8 ва 22 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# САМАРҚАНД ФАҚАТ РЕГИСТОНДАН ИБОРАТ ЭМАС

## ёхуд ер юзининг сайқали туристик салоҳиятига бир назар

**Самарқанд – тарихи бир неча минг йилларга бориб тақаладиган қутлуғ маскан. Ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари, қадимий ва ҳамиша навқирон, алломаларга бешик бўлган замин, деган таърифу тавсифларга сазовор бўлган кент.**

Дунёнинг исталган мамлакатига бориб, "Самарқанддаман" деб айтсангиз ўзгача ҳурмат ва ҳавас билан қарши олишади. Бу заминда бўлганини гапиради ёки бориш орзусида эканини айтади. Ана шундай пайтда бежиз Самарқанд инсон умри давомида бир марта бўлса-да бориб кўриш шарт бўлган шаҳарлар қаторида эътироф этилмаганини англайсиз. Бўлмаса, дунёда мамлакат камми, шаҳарлар камми? Самарқанд ана шу минглаб шаҳарлар қаторида элликтадан биттаси. Бу ҳам бир неча йил олдинги эътироф. Балки бугун Самарқанд йигирмата, ўнта энг эътибордаги шаҳарлар қаторидадир.

Майли, буниси ўз йўлига. Лекин айни чоғда Самарқанд чиндан ҳам дунёнинг йирик маданият, маърифат, сиёсий мулоқотлар марказига айланмоқда. Табиийки, бу ерга келувчи сиёсий арбоблар, олим, уламолар, сайёҳлар ҳар қачонгидан кўпайган. Энг муҳими, улар борадиган манзиллар бугун фақат Регистон ва Шоҳизинда, Амир Темур мақбараси ва Ҳазрати Хизр масжиди, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий мажмуаларидан иборат эмас, ўнлаб, балки юзлаб объектлар бор. Уларнинг барчаси бориб кўришга, зиёрат қилишга ва завқланишга арзийди, диди нозик ҳар қандай инсонни ҳайратлантиради.




### ТУРИЗМ ЙИЛ ДАВОМИДА

Шу пайтгача Самарқандда баҳор ва куз ойларини сайёҳлик мавсуми ҳисоблашарди. Сабабини сўрасангиз, ушбу вақтда ҳаво салқин ва саёҳат учун қулай бўлади, хорижликлар асосан, шу пайтни танлайди, деб жавоб беришарди. Аммо бу гапга ишониш қийин, шундай гаплар билан ўзимизга тасалли берганмиз, холос. Миср доим иссиқ бўлса-да сайёҳлар эҳромларни кўриш учун йилнинг тўрт фаслида ҳам бу сеҳрли ўлкага боради-ку. Ёки Осиё мамлакатларида ёз ойлари биздаги каби жазирама бўлмайдими, Европа ва Америкада қор ёғмайдими, ёмғирлар мавсуми йўқми? Бор, албатта. Зиёрат учун, саёҳат учун ҳар бир фаслнинг ўзига яраша гўзаллиги, фойдалана олсангиз, қулайлиги мавжуд. Шу йилнинг баҳор ойлари эди. Ургутдаги Терсак туризм қишлоғи ҳақида мақола тайёрлаш учун бу гўзал гўшага борганимизда франциялик сайёҳларни учратдик. Аксарияти кекса ёшли кишилар бўлгани учун "ҳозир тоғларимизда кўп ёмғир ёғяпти, бундай вақтда кўнгилдагидек саёҳат ҳам қилолмаётгандирсизлар", деб сўрадик улардан.








– Биз шунинг учун саёҳатга келдик-ку, – деди улардан бири кутилмаганда. – Ўзбекистоннинг табиатини яхши биламиз, қолаверса, ҳозир қачон, қаерда, қандай об-ҳаво кузатилишини ҳам бир неча кун олдин билиш мумкин. Саёҳат учун фақат қуёшли, салқин пайт бўлиши шарт эмас, Ўзбекистоннинг гўзал табиатидан ҳар қандай шароитда баҳра олиш мумкин. Бизга шуниси ёқади.

Тўғри-да тўрт фасли бирма-бир намоён бўладиган юртлар дунёда кўп эмас. Не бахтки, Ўзбекистон ана шундай ўлка. Йилнинг тўрт фасли ҳам ўз вақтида, ўз ўрнида келади. Шунинг учун бугун юртимизда сайёҳликка мавсумий деб қараш тушунчаси йўқолмоқда.

Ўн йил олдинги билан таққосласак, фарқ жуда катта бўлиши табиий, яқин йилларга назар солайлик. Маълумотларга кўра, Самарқандга пандемиядан олдин, 2019 йилнинг биринчи ярмида 198 минг нафар хорижлик, 1 миллионга яқин маҳаллий сайёҳ келган экан. Бу йил эса 114 давлатдан 240 минг нафардан ортиқ чет эллик, 1 миллион 245 минг нафар маҳаллий турист келибди. Чет эллик сайёҳларнинг Самарқандда бўлиш кунлари уч йил олдин ўртача 2 кунни ташкил этган бўлса, бугун 2,6 кунга етди. Кунлик харажати ўртача 100 АҚШ долларидан 152 долларга етган. Маҳаллий сайёҳларда ҳам ана шундай ўсиш кўрсаткичларини кўриш мумкин.

Бу – шунчаки рақамлар эмас, албатта, унинг ортида қанча иш ўрни, қанча даромад, қанча сервис, инфратузилма борлиги соҳа иши билан таниш бўлганларга яхши маълум.

– Туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида кейинги етти йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан 30 дан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди, – деди Самарқанд вилояти ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Р. Қобилов ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасанов билан суҳбатда. – Бир қатор давлатлар фуқаролари учун виза тартиблари соддалаштирилди. Қўшни мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Туризм соҳаси вакиллари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Пандемия шароитида эса уларга кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилди. Ана шу ишлар натижасида пандемия чекловлари юмшатилгач, туристик фирма ва компанияларимиз иш фаолиятини қийналмай давом эттирди. Соҳанинг иқтисодиётдаги улуши тез суръатларда ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йил туризм хизматларининг вилоятимиз ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 0,8 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 1,2 фоиздан ошди. Албатта, бу ҳам катта рақам эмас, аммо бугун яратилаётган имконият ва шароитлар туфайли кўрсаткич ошиб бориши аниқ.

Айни пайтда вилоятимизда 6 642 ўринли 154 та меҳмонхона, 791 ўринли 32 та ҳостел ва 2585 ўринли 270 та меҳмон уйи мавжуд. Йилнинг дастлабки беш ойида 14 та меҳмонхона, 28 та меҳмон уйи фаолияти йўлга қўйилди. Туроператорлар сони 10 тага ошди ва 200 га яқинлашди.

Меҳмонхона ва туристик фирмалар фақат Самарқанд шаҳрида ташкил этилмаяпти, вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам очилмоқда. Жумладан, яқинда Каттақўрғон туманида 25 ўринли битта меҳмонхона, Тойлоқ туманида 6 та ва Нуробод туманида 4 та оилавий меҳмон уйи очилди.

### ЯНГИ ЙЎНАЛИШ ВА ХИЗМАТЛАР КЎПАЙДИ

Шу пайтгача Самарқандга келадиган сайёҳлар асосан шаҳардаги тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларга бориш билан чекланарди. Зиёрат туризми йўналишидаги сайёҳлар Имом Бухорий мажмуаси ва шу каби бошқа объектларга борарди. Эндиликда Самарқандда зиёрат туризми объектлари сони 50 тадан ошди. Шунингдек, 42 та гастрономик туризм нуқтаси, 25 та экотуризм маскани, 21 та тиббий туризм муассасаси, 10 та этнотуризм, 16 та агротуризм объекти ташкил этилди ва уларнинг барчасида ҳамма вақт сайёҳлар бор.

– Мамлакатимизга ташриф буюрувчи хорижий туристлар асосан халқимизнинг миллий турмуш тарзига, урф-одатларига қизиқиш билдиради, – дея сўзида давом этади Р. Қобилов. – Шу мақсадда икки йил олдин Самарқанд туманидаги тарихий Конигил қишлоғини туризм қишлоғига айлантириб, бу ердаги Сиёб ариғи атрофи обод қилинди ва элликдан ортиқ туристик хизматлар объекти, жумладан, 20 та меҳмон уйи, 15 та устахона, сувенир дўконлари ва миллий таомлар тайёрлаш ошхоналари, новвойхона, ун тегирмони, шолини оқлаш тегирмони ишлаяпти. Сайёҳлар уларнинг фаолияти билан танишиш баробарида шу маҳсулотлардан тайёрланган миллий таомларни татиб кўришлари, бу таомларни тайёрлаш жараёнларини кузатишлари мумкин. Масалан, Конигилда етиштирилган гуруч шу ердаги тегирмонда тозаланиб, палов тайёрланади.

Конигилдаги тажриба ўзини оқлагач, Ургут туманидаги Терсак, Пайариқдаги Чоштепа, Нурободдаги Оқсой, Каттақўрғон туманидаги Андоқсой ва Қўшработдаги Пангат қишлоқларини туризм қишлоғига айлантириш ишларига киришдик. Мазкур туризм қишлоқларида бир қатор хизмат кўрсатиш турлари, яъни оилавий меҳмон уйлари, миллий таомлар тайёрлайдиган умумий овқатланиш шохобчалари, кулолчилик, каштачилик каби хизматлар йўлга қўйилмоқда.

Экстремал туризм ёки сафари туризми йўналишида 5 та янги йўналиш ташкил этилди. Яъни, 22 километрлик "Самарқанд – Тарағай" йўналишида Амир Темур ғоригача, 12 километрлик "Самарқанд-Шаршара" йўналишида экстремал тоғ туризми бўйлаб саёҳат қилиш мумкин. Бу йўналишларда альпинизм, тоғ бўйлаб пиёда юриш, велосипедда ҳаракатланиш имконияти яратилган.

Туризм кўчалари сонини янада кўпайтириш, сайёҳларга туну-кун савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш бўйича ҳам аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов кўчасини "shopping" туризм кўчасига, Бозоров кўчасини "Pub Street" кўчасига, Алишер Навоий кўчасини санъат ва туризм кўчасига айлантириш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарнинг марказий ва сайёҳлар кўп ҳаракатланадиган кўчаларда 30 дан зиёд FOOD TRUCK (кўчма овқатланиш шохобчалари) фаолияти йўлга қўйилди. Худди шундай кўчалар барча туман ва шаҳарларда ҳам ташкил этилмоқда.

Сайёҳларни кўпроқ жалб қилишнинг яна бир усули оммавий сайл ва фестивалларни кўпайтиришдир. Бу борада йил якунига қадар 12 та йирик тадбир, жумладан, 1 та ярмарка, 5 та фестивал, 2 та спорт тадбири, 2 та кўргазма танлови, 1 та карнавал ҳамда ёшлар ва зиёрат туризм ҳафталиги тадбирлари ташкил этиш кўзда тутилган. Бу тадбирлар белгиланган вақтда ўтказиб келинмоқда. Масалан, Наврўз умумхалқ байрами кунларида Самарқанд шаҳрида "Кабоб фестивали", Жомбой туманида "Улоқ кўпкари" мусобақаси, Ургут туманида "Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси" ўтказилди. Йил якунига қадар "Самарқанд нон сайли", "Анжир сайли" каби тадбирлар кўзда тутилган.

Вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳларга қулайликлар яратиш мақсадида яқинда Самарқанд халқаро аэропортида енгил автотранспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага бериш хизмати жорий этилди. Ушбу хизмат доирасида ўнга яқин "Volkswagen" ва "Mersedes-Benz" русумли электромобиллар хорижий туристларга ижарага берилмоқда. Алишер Навоий кўчасининг Университет хиёбони билан кесишган қисмида велосипед тўхташ жойи ва ижара хизмати ташкил этилди.








Вилоятдаги сайёҳлар кўп борадиган 26 та музей ва маданий мерос объектларида ҳам сайёҳлар учун муносиб шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ушбу объектларнинг аксариятида пандуслар ўрнатилиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун имкониятлар кенгайтирилган. Шунингдек, объектларда аудио гид, гид-таржимон, миллий либослар ижараси хизматлари йўлга қўйилди. Регистон майдонида маданий дастурлар, концертлар намойиш этилмоқда. Музейлар соат 22:00 гача фаолият кўрсатмоқда.

### ЗАМОНАВИЙ АЭРОПОРТДАН КЎРКАМ МАСКАНЛАР САРИ

БМТ халқаро туристик ташкилоти (UNWTO) маълумотига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси ўсиш суръати бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллаган. Бу албатта, сайёҳларга замон талабларига мос сифатли хизмат кўрсатишни, замонавий инфратузилма яратишни тақозо этади.

Айни шу мақсадда 2018 йилда Самарқанд халқаро аэропортини кенгайтириш режалаштирилди. 2019 йилнинг июлида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан лойиҳа миқёси янада йириклашди. Аэропорт билан биргаликда Самарқандда замонавий туристик марказ қуриш белгиланди.

Икки йил давомида Самарқанд аэропортида қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий терминал биноси ҳамда янги учиш-қўниш йўлаги, замонавий радиолокация тизими, 24 та самолёт ҳамда 700 автомобиль учун тураргоҳ барпо этилди. Иккита телескопик трап орқали 4 та самолётга чиқиш енглари ҳозирланди.

Аэропортнинг янги терминалининг йўловчи ўтказиш қуввати соатига 1000 кишини ташкил этади. Мунтазам рейслар сони эса ҳафтасига 120 тагача етади. Айни пайтда мазкур аэропорт маҳаллий аҳоли ва хорижлик сайёҳларга ўз эшикларини очиб, сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ислом оламининг қутлуғ зиёратгоҳларидан бири саналган, Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасини ҳам қайта қуриш ишлари давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу мажмуа буюк муҳаддис Имом Бухорий бобомизнинг муқаддас динимиз йўлидаги хизматларига муносиб тарзда бунёд этилмоқда. Бу ерда 10 минг ўринли масжид, 21 гектар майдонда улуғ аждодларимизнинг диний мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи тематик хиёбон, 3 та меҳмонхона ва 24 та оилавий меҳмон уйларидан иборат, шунингдек 3000 нафар зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи "ҳалол" стандартига эга умумий овқатланиш корхоналари фаолияти йўлга қўйилиб зиёрат туризми мажмуаси барпо этилади.

Президентимиз 15 июль куни Самарқандга ташрифи давомида ҳам мазкур объектда бўлиб, қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, бу ерда зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Самарқанд туманида жойлашган эшкак эшиш канали атрофида 260 гектар майдонда янгидан бунёд этилаётган "SILK ROAD SAMARKAND" туристик мажмуаси ҳам бугун Самарқанддаги энг йирик ва асосий қурилиш объектларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда сўнгги пардозлаш ва ҳудудни ободонлаштириш ишлари давом этаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 353 миллион долларга баҳоланмоқда. Яқин кунларда очилиши режалаштирилган кўп тармоқли сайёҳлик мажмуаси нафақат Самарқанд, балки бутун Марказий Осиё учун замонавий мажмуага айланиши, маданий, гастрономик, тиббий ва ишбилармонлик туризми объектларини бирлаштириши кўзда тутилмоқда.

Марказда жаҳон андозалари даражасидаги меҳмонхоналар, истироҳат боғи, дам олиш масканлари, ресторанлар, кафе ва барлар, шунингдек, халқаро анжуманлар маркази ва маданият масканлари жойлашади. Халқаро архитекторлар ва муҳандислар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган замонавий лойиҳа турли тематик зоналарни бутун Марказий Осиё минтақасида ўхшаши бўлмаган уйғун меъморий ансамблга бирлаштирган.

Комплекс бир нечта бўлимдан ташкил топган бўлиб, эшкак эшиш каналининг шимолида конгресс маркази ва ландшафтлар билан безатилган тўртта ҳашаматли меҳмонхонани ўз ичига олган бизнес кластер жойлашган. Жанубий кластерга ҳар бирининг ўзига хос даволаш-санаторий йўналишига эга бўлган тўртта бутик меҳмонхона, шунингдек, экоқишлоқ, "Абадий шаҳар" тарихий-этнографик мажмуаси, савдо майдончалари киради.

Мазкур объект ҳақида батафсил тўхталмаймиз. Сабаби бу ҳақда яқин кунларда мажмуа очилиши муносабати билан кенгроқ, алоҳида материал тайёрлаймиз.

Умуман, айни чоғда Самарқанд вилоятида туризм соҳасида 365 та янги лойиҳа амалга оширилмоқда ва уларнинг ишга тушиши билан 15 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Иш ўрни шунча бўлганидан кейин, бу масканлар хизмат кўрсатадиган туристлар сонини тасаввур қилаверинг.

Бугун Самарқанд – жаҳон туризм марказларидан бирига айланмоқда. Бу баландпарвоз гап эмас, реал ҳақиқат. Буни халқаро ташкилотлар эътироф этмоқда, дунё аҳли Самарқандга интилмоқда. Самарқанд том маънода ер юзининг сайқалига айланиб, дунё аҳлини ўзига чорламоқда.

***САМАРҚАНДГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!***

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-743.
1928 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 23.15.
Топширилди – 23.50.

1 2 3 4 5 6

Газетамизнинг келгуси сони 2022 йил 2 август куни чиқади.